

34 (59) 7
С-73

Бахтиёр Содиқов,
Маҳфуза Умарова

ИКОД ҚАЛБ ТУҶЁНИ

24(59)7
С-78

БАХТИЁР СОАТОВ,
МАҲФУЗА УСМОНОВА



ИЖОД – ҚАЛБ ТУҒЁНИ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2016



УЎК: 821.512.133

КБК: 84 (5Ў)7

С - 73

Соатов Б., Усмонова М.

Ижод – қалб тугёни / Б.Соатов, М.Усмонова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 60 бет.

ISBN 978-9943-27-745-8

Ҳар бир қувваи ҳофизаси баланд ижодкорнинг ўзига хос жиҳатлари, ўз мухлислари бўлиши табиий. Шоир Туроб Юсуф ҳамда ёзувчи Абдулла Аҳмаднинг ижодини кўпдан кузатиб келаётган, уларнинг деярли ҳар бир асари қандай дунёга келаётганидан огоҳ мунаққид сизни ҳам ижод оламига таклиф этади, ўз фикр-мулоҳазаларини сиз билан ўртоқлашар экан, беихтиёр бошқаларнинг ҳам бу борада муносабат билдиришини гўёки сўраётгандай бўлиб туюлади.

УЎК: 821.512.133

КБК: 84 (5Ў)7

Тақризчи:

Усмонжон ҚОСИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-27-745-8

© Б.Соатов, М.Усмонова, «Ижод – қалб тугёни». «Янги аср авлоди», 2016 йил.



СОКИН ДАРЁ МАВЖЛАРИ

Туроб ЮСУФ ижодига чизгилар



I. БАЛОҒАТ БЎСАҒАСИДА

1. Шўх болалик, асов болалик

1954 йил март ойининг илк куни. Кўҳна, азим Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани ҳудудидаги «Жабутай» қишлоғида истиқомат қилувчи Қоржов ота ва Тожихол ая Юсуповлар хонадонида ўғил фарзанд дунёга келди. Ота макон тупроғини ҳамиша ёдда тутсин, ўзи ҳам тупроқдай хокисор, камтар бўлсин деган ниятда унга Туроб дея ном қўйишди. Бизга маълумки, асли арабча бўлган бу калом «тупроқ», «замин» маъноларини англатади.

Ёш Туробнинг дастлабки болалик йиллари Бешбармоқ тоғи этагида ястанган қадрдон қишлоғида кечди. Виқорли тоққа туташиб кетган чексиз қир-адирларда унган ям-яшил майсалар, ранг-баранг гул-чечаклар, қўй-қўзиларнинг маърашлари ёш кўнгилга ўзгача бир завқ бахш этарди. Ажойиб манзаралардан баҳра олиш мақсадида муттасил равишда гўзалликка талпиниш одати, уни юқори пардаларда куйлаш истаги, шоирликка иштиёқи унда ўша кезларда шакллана бошлаган бўлса, ажаб эмас.

Ҳар бир замоннинг ўзига яраша эсда қоларли воқеа-ҳодисалари бўлади. Ўша кунларда она ўлкамизда қуш учса, қаноти, одам юрса, оёғи куядиган қадим Мирзачўлни ўзлаштириш ҳаракати кенг тус олганди. Не қисматки, 1957 йилнинг эрта баҳорида Қоржов ота оиласи ҳам ўз тақдирини ана шу азим чўлни обод қилишдек савобли юмуш билан боғлади. Бинобарин, ёш Туробнинг кейинги ҳаёти ана шу жойларда кечди.

2. Ўсмирликнинг олтин остонаси. Ўспиринлик – ажойиб давр

1970 йили Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани (ўша кезларда Сирдарё вилояти тасарруфида эди) га қарашли «Самарқанд» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган 6-сонли ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, келгуси йили Туроб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирда университет)нинг филология факультетига ўқишга кирди. Мазкур илм даргоҳида тўрт йил давомида ўша кезларда юртимизнинг кўзга кўринган атоқли олимлари, профессорлар Натан Маллаев, Мазлума Асқарова ва улар сингари бир қатор ўз касбининг моҳир устаси бўлган ажойиб ўқитувчи, таниқли домлалардан сабоқ олди, улардан илм сирларини қунт билан ўрганди. У 1975 йилда «ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси» ихтисослиги бўйича институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Талабалик йилларидаёқ юртимизнинг атоқли қалам соҳиблари Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Муҳаммад Али, Нормурод Нарзуллаев, Наримон Орифжонов, Усмон Азим, Нодир Норматов, Мирпўлат Мирзо, Темур Убайдулло, Рауф Толиблар билан яқин муносабатда бўлиб, бадиий ижод соҳасида устоз ижодкорлардан кўп нарсани ўрганди. Олий ўқув юртини битиргач, тақдир кemasи уни яна аввал ўзи яшаб, ўқиган «Самарқанд» қишлоғига олиб келди.

Бу ерда бирмунча вақт ўзи таълим олган 6-сонли ўрта мактабда юқори синф ўқувчиларига ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

3. Умр чаманидир барно йигитлик

1976 йилнинг ёз ойидан бошлаб ўзи яшаган тумандаги «Пахтакор» (кейинчалик «Пахтакор ҳаёти») газетаси таҳририятида қишлоқ хўжалик бўлими мудири вазифасида самарали меҳнат қилди. Шу маънода унинг журналистик маҳорати ҳам камол то-

пиб, ижтимоий ҳаётимизнинг бир қанча воқеликларини ўз ичига олган қатор-қатор публицистик мақолалари, лавҳа ва очерклари матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Унда меҳнаткаш халқ вакиллари ҳаёти ва иш фаолияти ишонарли тарзда ёритилди. Шу ердан ҳарбий хизматга чақирилиб, Болтиқбўйи ўлкаларида йигитлик бурчини ўтаб қайтди.

1981 йил апрелидан 2000 йил баҳорига қадар Ички ишлар идоралари сафида ишлаб, қирқ олти ёшида подполковник унвонида нафақага чиқди.

Қаҳрамонимиз қаерда ва қайси вазифаларда ишламасин, ижодий изланишларини тўхтатмади, куч-қувватининг асосий қисмини ана шу савобли ишга сарфлади. Хуллас, ўтган йиллар мобайнида унинг саккизта шеърӣй мажмуаси ўқувчилар қўлига тегди.

4. Беминнат устозлик – олий ҳиммат

1999 йил август оӣи бошида Ўзбекистон халқ шоирлари Рауф Парфи (илоҳим, Яратган Эгам у зоти шарифни ўз раҳматига олган бўлсин), Хуршид Даврон ва шоир Темур Убайдуллоларнинг тавсияси асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига яқдиллик билан қабул қилинган ижодкор бугунги кунда ўнлаб ёшларга устозлик қилиб, уларга ўз беминнат ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Яқин ўн йилликларда олим ва шоир Бахтиёр Мирзо, шоир ва журналист Жўра Муҳаммад, шоир Муҳаммад Акажонов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Маъмура Ёқубова, ҳаётлигида юқори лавозимларда ишлаган Нурмуҳаммад Умаров, ҳаётдан эрта кетган ёш истеъдод соҳиби Хайрулла Абдуллаев (Шаҳриёр), ҳозирда ҳам бадиӣй ижод билан мунтазам шуғулланиб келишаётган Примқул Шермат, Неъмат Алимов, Ситора Раҳимзода, Гулноза Тоғаева, Маҳлиё Ўрозбоева, Зебини-со Сирожова, Али Раҳмон, Ёркиной Абдуқодирова,

Сафаргул Абдуллаева, Маҳдиё Тиловова, Баҳора Мамирова сингари истеъдод эгаларининг шеърий китоблари унинг муҳаррирлигида нашрдан чиқди.

Ижодкоримиз оиласида ҳам бахтини топган инсон. Умр йўлдоши Тошгул опа Айтбоева ўқитувчиликдан нафақага чиққан саодатли аёл. Иккаласи биргаликда беш нафар фарзандни одобли, оқибатли қилиб тарбиялашди. Бугунги кунда дилбандлар камолидан диллари ифтихор нашидасига тўла.

Қиссадан ҳисса шулки, севимли шоиримиз Мақсуд Шайхзода айтганларидек, «Шоир қалби дунёни тинглар». Модомики шундай экан, биз юқорида ўзи ва ижоди ҳақида баҳоли қудрат фикр юритган иқтидорли шоиримиз Туроб Юсуфнинг киши онгига, юрагига таъсир этадиган, унга эстетик завқ берадиган, Ватан ва башарият манфаатларига мос келадиган асарлар ёзиш учун бор куч-қудратини аямайдиган фидойи ижодкорлар сирасига кириши табиийдир.

II. ИЖОДКОРНИНГ НАЗМ ГУЛШАНИ

Туроб Юсуф Жиззах вилояти адабий муҳитида ўз номи ва ўрнига эга ижодкор. Мана, қирқ йилдан ошибдики, воҳа шеърият шинавандалари, бошқа назмсевар юртдошлари қатори, республикамизнинг қолган ҳудудларида яшовчи назм ихлосмандлари ҳам сатрларида кучли қалб тугёни акс этиб турган бу камтарин, бироқ ўзига нисбатан ўта талабчан довод эгасининг маҳорат билан битилган кўнгил битикларидан баҳраманд бўлиб келишади, ташна руҳига маънавий озиқ олишади.

Унинг қатор йиллар мобайнида чоп этилган шеърий тўпламлари ўқувчилар китоб жавонларидан алақачон мустаҳкам ўрин эгаллаган. Шоирнинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишилганда, ижодкор томонидан турли йилларда нашр эттирилган «Фаройиб орзу» (1992), «Тўқнашув» (1993), «Уйқудаги баҳодир» (1994), «Анодил диёри»

(1995), «Чакмоққа айланган бола» (1995), «Юксакдаги сеҳрли дунё» (1996), «Муносабат» (1997), «Муҳаббатнинг маънос қўшиқлари» (1999) каби китоблари шеъриятимиз равнақига маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилганлигига иқрор бўламиз. Бу шеърӣ тўпламларга кирган юқори савиядаги бадиӣ ижод намуналари муаллифнинг ижтимоӣ ҳаёт, кишилиқ жамияти, мозӣӣ ва табиат ҳодисалари ҳақида теран мушоҳада юритиш қобилиятидан дарак беради.

Маълумки, ижодкор халқимиз бутун кишилиқ жамияти тараққиети давомида ўзи яратган фольклор асарларига ижодӣ нуқтаи назардан ёндашиб, ўзининг орзу-истакларига қараб, уни янги мотивлар, образлар билан тўлдириб, бойитиб келган. Шу боисдан шоиримиз ҳам халқ оғзаки ижоди (фольклор) жанрларига мурожаат қилиб, жумладан, «Гўрғали ёди» шеърӣда шундай ёзади:

*Асов отдек шиддатга тўлган
Қирқ йигити билан ўша шер,
Чамбилини олмоқчи бўлган
Ёв бошида силтайди шамишр.*

Ёки шеър сўнгида шундай хулоса ясалади:

*Дилга солдим ўчмас бир чўғни,
Ким наф пойлар мендек сабрдан.
Бир кун, аниқ, ўша Гўрғали
Бош кўтариб чиқар қабрдан.*

Истеъдодли қаламкашнинг мавзу доираси ҳавас қиларли даражада кенг. Ватан, халқ, табиат, она, муҳаббат сингари умрбоқӣӣ мавзулар унинг ижодида ҳам асосӣӣ ўрин тутати. Шоир ўтмиш ва ҳозирги давр шеърӣятига хос кўҳна аруз ҳамда замонавӣӣ бармоқ ва сарбаст (эркин шеър) вазнларининг ҳаммасида ҳам баҳоли қудрат қалам

тебратиб келмоқда. Лекин бармоқ вазнида битилган шеърлар унинг ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Шу ўринда юртдошимизнинг ана шу вазнга дахлдор сарлавҳасиз саккиз қаторли шеърини тўлиқ келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир:

*Яшаш нечун, юксак фалакка
Талпинмасам, имо қилмасам?
Эл қараган оташ юракда
Хуш наволар бино қилмасам?*

*Бир зўр ҳикмат қаддин тутиб тик,
Эслатади менга доимо:
«Бу дунёнинг заволи – жимлик,
Бу дунёнинг иқболи – наво».*

Шунингдек, Туроб Юсуф ижодида она Ватан мавзуси ҳам анча кенг ўрин эгаллайди. Хусусан, унинг «Тўқнашув» тўпламидан жой олган «Юртимга» номли шеърида табаррук маконга бўлган ҳурмат-эҳтиром туйғуси муаллифнинг қуйидаги сатрларида ўзининг ёрқин ифодасини топган:

*Танҳо юрт, сенда қўш хислат мужассам,
Дилимга онасан, руҳимга сингил.
Гўдагинг кўксингга босгилу маҳкам,
Кел, содиқ аканинг кўкдай муаззам,
Ўтли қучоғига нур каби синггил.*

Шеърнинг хотима қисмида шоир қадрдон ўлкасини мангуликка менгзайди:

*Мангусан. Сен уни алқама, майли,
«Ётар тобутимнинг чегасисан», деб.
Нетсин, Яратганнинг шу бўлса зайли,
Таъна қилма мудҳиш хато туфайли
Унга «Ўтар умр эгасисан», деб.*

Шоир атрофидаги воқеа-ҳодисаларга бeфaрқ қарамайди, аксинча, замондошлари севинчи, ташвишини ўзиники деб билади. Шодумон инсонлар қувончи қалбини нурафшон этганида, бу туйғуларини у тўлиб-тошиб куйлайди, кимнингдир кўзида бир томчи ёш кўрганида, юраги титроққа тушиб, ўйланиб, ҳаловатини йўқотиб, кечинмаларини шеърга айлантиради. Шу маънода «Фарзандсиз аёл» шеъридаги қуйидаги таъсирга бой мисралар фикримизга далил бўлади, деб ўйлаймиз:

*Ўз толенгдан, майлига, қувон,
Ўзгани ҳам англамагин хор.
Бу гўшада гўзал бир жувон
Яшар фарзанд тирногига зор.*

Шоирнинг таҳсинга молик фалсафий, психологик олами мазкур шеърнинг шундай ажойиб тарзда яқунланиши учун замин ҳозирлаган:

*Дийдор дамин кутар бетоқат,
Ғубор йўқ бу нашъу намода.
Ҳамманики ердадир, фақат
Ёлғиз унинг ўғли – самода.*

Шеърятда ишқ-муҳаббат, вафо-садоқат мавзуси ҳеч қачон эскирмайди. Ижодкор бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилиб, қалбини жунбишга келтирган ҳис-туйғулари ҳақида «Чаманлар барқ урди...» деб бошланувчи сарлавҳасиз шеърида шундай мисралар тизади:

*Чаманлар барқ урди бу жисму жонда,
Толе огушида ўзни унутдим.
Ғойиб мулкисифат илоҳий онда
Нафис қўлларингдан илк бора тутдим.*

Шоир фикрида давом этиб, севгилисига бўлган ошиқона муносабатини яна ҳам ишонарли тарзда ифода этади:

*Қўлми бу, япроқ ё яйдоқ заминда
Эй, башар шаклида унган гўзал гул?
Ишқ шамдони уза ёнган шамингда
Дилим парвонадек қоврилди буткул.*

Зукко китобхон юқорида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, асосан, шоирнинг «Муносабат» (1997) деб номланган кейинги китоби хусусида эканлигини пайқаб олган бўлса, ажабмас.

Шеъриятимизда, маълумки, гул – гўзаллик, нафосат, тинчлик, фаровонлик, обод турмуш тимсоли. Одамзод насли бир умр мана шу туйғуларга интилиб яшашини чуқур идрок этган шоир қалб кечинмаларини бадий сўзлар гулханига айлантириб, ундан барчани бирдек баҳраманд қилмоқчи бўлади. Зотан, унинг «Гул» шеърида табиатнинг бу нафис мўъжизаси ўз инъикосини топади:

*Сенсан нафис, пок чаманларнинг
Кўрк - чиройи, шукуҳи, руҳи.
Зеро гулзор, бог деганлари –
Кенгаш қурган гуллар гуруҳи.*

Ёки шеър давомидаги:

*Тўнган илҳом юз қуёшингдан
Қувват олиб, тортмаса жўшқин,
Сўлган қай бир ўтмишдошингга
Ўртаниб шеър битмасди Пушкин, –*

мисралари ўқувчи юрагини тўлқинлантирмай қўймайди.

Дунёга сифмаслик – азалдан шоирлар қисматида бор гап. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари марказида турган лирик «Мен» ўзининг бир қатор фазилатлари билан муаллиф табиатига яқин келади. Туроб Юсуфнинг «Ўтаётган ёз-қишларимда» деб бошланувчи шеърида муаллиф воқеликка бўлган муносабатини қуйидагича мухтасар баён этади:

Ўтаётган ёз-қишларимда
Онам – замин, акам – диёнат.
Яхши-ёмон қилмишларимга
Ер – кўнгилчан, ҳакам – диёнат.

Кўклам – табиатнинг уйғониш фасли. Шу боис, шоир «Баҳорга» номли шеърида она табиатнинг бу бебаҳо даврига хос хусусиятини шоирона маҳорат билан очиб беролган:

Баҳор, бир ошиқдек қотдим йўлингда,
Фалак сиздиролмас ҳаяжонимни.
Гарчанд ўлмоқ шараф сенинг қўлингда,
Барибир вақтимас, ая жонимни.

Демакки, юқорида қайд қилинган шеърлардаги мухтасар фикр баёни, соддалик ва равлонлик, бемалол айтишимиз мумкинки, уларнинг ўқимишли бўлишини таъминлаган. Деярли ҳар бир шеърда ижод соҳибининг ўтлаи қалби, беғубор ўй-истаклари ва покиза ички оламини англашимиз, дунёқарашини ҳис қилишимиз мумкин.

Кўҳна аруз вазни – бизга ўтмишдан мерос. Мозийнинг буюк қалам соҳиблари ижод қилган бу мураккаб вазнда қалам тебратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин иқтидорли шоиримиз бу синовдан муваффақиятли ўтган. Шу маънода, қалам соҳибининг аруз вазнига доир ушбу мўъжаз шеъри ҳам муаллиф истеъдодининг муҳим белгисидай жаранглайди:

Оддий касмас, пир ўтирган ерга бу бошим
тегур,
Манглайдан халқ тўккан шўр терга бу
бошим тегур.
Қутлуг ҳикмат олдида тик турмоғимдан
наф недир,
Ҳам Навоий дасти битган шеърга бу
бошим тегур.

Қаламкашнинг аруз вазнидаги шеърлари орасидан жой олган ишқий мавзудаги битикларида ҳам муаллифнинг орифона ва ошиқона руҳдаги байтларини кўплаб учратишимиз мумкин. Жумладан, «Ишқ баёни» номли ғазалида унинг ички руҳиятини аниқ-тиниқ ҳис этамиз:

Ўт юзинг узра руҳимдек чарх урар
парвона йўқ,
Бор фидойи хилқат ичра у киби
мардона йўқ.

Қилса парвона агарда шамга бир бор
жон фидо,
Руҳ фидо минг бор рўйингга, бунда лоф,
афсона йўқ.

Ғазалнинг мақтаёсида шоир кўнглидаги кечинмаларга ишонарли тарзда нуқта қўяди:

Битди сабрим, сочларинг тез айлагил
бўйнимга дор,
Машраб ўлган, бу Туробдин бошқа бир
девона йўқ.

Ижодкорнинг ўтмиш мумтоз адабиётига, у бино бўлган ва боқий шеърятдек муҳташам қасрга тамал тош бўлиб қўйилган эски кўҳна аруз вазнига нисбатан жўш урган меҳр-муҳаббати – унинг бармоқ вазнида битилган қатор асарларида истеъмолдан чиқиб бораётган ёки бутунлай чиқиб бўлган, унутилаётган баъзи архаик сўзларни ўз жойида, маромида ишлатишини таъминлаганини кузатиш мумкин. Бинобарин, бу ҳол бугунги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолган, ўлиб бораётган бундай сўзларга гўёки иккинчи бор ҳаёт бағишлагандай ҳолатни вужудга келтирган. Сўз бойлиги салмоқли қаламкашнинг муқаддам дунё юзини кўрган саккизта шеърини мажмуасининг саноқ бўйича тўртинчисига айнан «Анодил диёри»

деб ном берганлигининг ўзиёқ юқоридаги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Чунончи, арабча «андалиб» каломи туркий тилда бирликдаги «булбул» маъносини англантишини мозий меросига қизиқувчиларнинг кўплари яхши билишади. Лекин унинг кўпликдаги «анодил», яъни «булбуллар» мазмунини ифодаловчи кўринишидан, имонимиз комилаки, кўпларимиз мутлақо беҳабармиз.

Бундан ташқари, эски, синоним сўзларни қўлаш масаласида, киши назарида, шоир қобилиятининг гўёки янги қирралари очилгандай тасаввур ҳосил бўлади. Хусусан, «Муносабат» тўпламининг 98-бетидан жой олган «Жаҳоний талваса» шеърининг дастлабки икки мисрасини таҳлил элагидан ўтказиб кўрсак:

*Беҳисоб ганж топиб, тинчим йўқотдим,
Ки, важҳинг важҳидин важҳга ботдим.*

Мазкур шеър сўнгида изоҳ берилганидек, бу ўринда биргина «важҳ» сўзи шоир томонидан бир сатрнинг ўзида уч хил маънода, яъни биринчи қўлланилишида – «юз», «чеҳра», иккинчи маротаба ишлатилишида – «сабаб», «боис», учинчи марта, яъни қатор охирида сўнгги бор намоён бўлганида – «бойлик», «мол-мулк» маъноларида келганлиги – муаллифнинг маҳорат мактаби шаклланганлиги исботи, дея изоҳлашимиз учун имкон туғдиради.

Туроб Юсуф ижодида эркин (сарбаст) вазндаги шеърлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Шоирнинг дастлабки «Фаройиб орзу» тўпамидан жой олган ушбу вазнга дахлдор шеърлари унинг шу вазн имкониятларини нақадар пухта ўзлаштирганидан далолат беради. Фикримизнинг исботи сифатида ижодкорнинг «Заминга ҳасрат» шеъридан қуйидаги парчани келтиришимиз мумкин:

*Кечир, сен-у, яна қанча баҳорлар
Олдида каттадир айбу гуноҳим.*

*Хору абгор қилиб ўттиз баҳорни,
Лоақал бир баҳор бермадим Сенга.*

Ўткир қалам соҳиби сарбаст имкониятларидан келиб чиқиб, ушбу шеърни ҳам моҳирона тарзда хотималайди:

*Қалтис дам, далдага муҳтож маҳалинг
Кел, шоир бағрига ўзингни отгин,
Қанотсиз ҳам мовий фалакда учган,
Вужудсиз ҳам тирик юрган Гўзал Бош.*

Маҳоратли қаламкаш Туроб Юсуф хоҳ арузда бўлсин, хоҳ бармоқда ёхуд сарбастда бўлсин, назмининг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда шакл ва мазмун муносабатларига ижодий ёндашади. Ўхшатиш, метонимия, метафора, синекдоха ва бошқа бир қатор шаклий ифодалилиқка ўз муносабатини шеърини шаклларда ифодалайди. Жумладан, «Тазарру» шеърида юқорида зикр этилган бадий ифодалилиқни қуйидагича талқин этади:

*Тўхтади – зўр афсун қилганидай кор,
Олдимда оқишдан қилди ҳазар ё.
Ростмас бу кўрганим зинҳор - базинҳор,
Сенинг кўз ёшларинг – бетиним дарё.*

Шоир шеърияти билан яқиндан танишар эканмиз, китоблардаги шеърлар силсиласи етти бўғиндан то ўн тўрт бўғинга қадар бўлган ҳар хил ижод намуналаридан таркиб топганлигига гувоҳ бўламиз. Юқоридаги шеърини шакллар силсиласида бармоқ вазнидаги шеърлар, асосан, «а-б-а-б», «а-б-в-б», «а-а-б-а», «а-а-а-б», «а-а-б-б» тарзида қофияланганлигини кўришимиз мумкин. Аруз вазнига мансуб ғазалларнинг эса ҳазаж, мутақориб баҳрларида моҳирона тарзда, вазн имкониятларидан келиб чиқиб ёзилганлигига шохид бўламиз.

Шоир ижодий лабораторияси билан танишиш асносида унинг гўзал тўртликлар битганига ҳам иқрорлигимиз ортади:

*Ажабланма, гапим мантиққа тенг-ку,
Умримдан ҳайратим лаҳзаси кўпроқ.
Ахир ёниб чопиб борувчи мен-ку,
Нега ҳансирайсан пойимда, тупроқ.*

Биламизки, ижодкор Туроб Юсуф – Ички ишлар идоралари фахрийси. Бу соҳада йигирма йилга яқин ишлаб, подполковник унвонида истеъфода чиққан, жиноят оламининг анча-мунча «кирди-чиқди»ларидан хабардор одам. Қатор йиллар давомида меъёрдан ташқари иш усули жорий этилган ўта серташвиш ва сертахлика юмуш билан банд бўлганлиги баъзан насрда ҳам қалам тебратган ижодкор учун бу борада ўзига хос бой тажриба мактаби вазифасини ўтади, изқуварлик мавзуидаги бир қатор асарлар қоралаш учун замин ҳозирлади. 1999 йили республика Ички ишлар вазирлиги нашри – «Постда» газетаси таҳририяти томонидан уюштирилган «Эл-юрт осойишталиги йўлида» танловида учинчи ўринга муносиб кўрилган, газетанинг икки-уч сониди эълон қилинган «Йиртқичларнинг енгилиши» номли ҳикояси, бутунги кунда чоп этилиш пайтини кутиб ётган икки-учта қиссалари ҳам, айтиш мумкинки, ана шу даврдаги ҳаётий тажриба асосида қўлга киритилган далилу дастак ҳамда изланишлар маҳсулидир.

III. МУРФАК ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ИЗЛАБ

Ижодкорнинг катталарга сингари ёш болалар қалб, руҳига мосу манзур бадий ижод намуналарини ярата билиш иқтидори ҳам таҳсинга лойиқ. Унинг «Уйқудаги баҳодир», «Чақмоққа айланган бола», «Юксакдаги сеҳрли дунё» тўпламлари тўла-

тўқис кенжа авлод вакилларига бағишлаб ёзилган шеър баллада ҳамда дostonлардан таркиб топган.

Қуйида унинг «Уйқудаги баҳодир» номли шеър-рий тўпламидан жой эгаллаган болаларбop шеър-ларига тўхтамоқчимиз. Бизнингча, келажакимиз давомчилари ҳақида шеър яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ижодкор, авваламбор, боланинг мурғак қалбини қамраб олган ҳис-туйғулар олами билан яқин ошно бўлиши шарт. Шу боис, ижодкорнинг ҳақиқатдан ҳам ёш авлод намо-яндалари феъл-атворини яхши билиши – унинг кичикларбop, содда, равон шеърларидан яққол сезилиб туради. Чунончи, «Сабаб» шеърини олиб кўрайлик:

– Нимага титраб лаби,
Хафа турибди Наби?
– «Е», деб акаси Раббим
Музқаймоқ бериб кетди.
Сояда турмаганди,
Егунча эриб кетди.

Туроб Юсуф ижодида ёш бўғинга мўлжалланган баллада ва дostonлар ҳам талайгина. Унинг «Гуллар ҳақида баллада», «Чақмоққа айланган бола», «Ҳа-кимжоннинг ғаройиб ови» балладалари, «Олтин бо-шоқ ҳамда қора чумолилар ҳақида ривоят»и, «Ға-ройиб салтанат», «Қуёш кўтарган одам», «Уйқудаги баҳодир», «Учган чинор ҳақида дoston», «Уч фазилат ҳақида дoston» каби йирик эпик асарлари болалар адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшил-ган. Кези келганда сизнинг диққат-этиборингизни келажакимиз эгаларига атаб чиқарилган дастлабки китобдан ўрин олган «Сичқончанинг саргузаштлари» эртақ-дostonининг бошланиш қисмига тортишни истардик. Халқ оғзаки ижодига мансуб барча эр-такларда деярли бир хилда такрорланиб келадиган

JIZZAX DPI

17 INV № 100666

«бир бор экан, бир йўқ экан, оч экан-да тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қағимчи экан, чумчуқ чақимчи экан», деган сифатлашлардан фарқли ўлароқ, маълум миқдордаги йирикроқ бу шеърый асар дебочаси «Умид, орзу, армонлар эртактарда жам бўлган, сичқондан қаҳрамонлар лекин жуда кам бўлган» сўзлари билан бошланади. Ёш болалар ички дунёсидан яхши хабардор бўлган муаллиф «Сичқончанинг саргузаштлари» эртакт-достонида фикрини давом эттириб, шундай ёзади:

*Гар шеру барс оҳумас,
Шер, барс билан солишса,
Мушуклар сичқон эмас,
Тенгин топиб олишса, –*

*Сира умр бахтидан
Тортмаганда хавотир,
Аниқ, сичқон аҳлидан
Чиқар эди кўп ботир.*

Кўриб турибсизки, содда ва самимий бу мисралар болалар кўнглидан осонгина жой олади. Юқорида номи келтирилган ушбу эртакт-достон ҳам, бизнинг фикримизча, ўзига хослиги ва анчайин пишиқ ёзилганлиги боис, болалар адабиётида қатор йиллар давомида яшаб қолишга ҳақлидир.

Дарҳақиқат, Насриддин Афанди образи бадий адабиётда нечоғлик қадрланса, болалар адабиётида ҳам шунчалик эъзоз топган. Бу образдаги хушёрлик, топқирлик, ҳозиржавоблик хислатлари каттаю кичикнинг қалбида бирдай кулги ва хайрихоҳлик кайфиятини уйғотади. Шу боис, Насриддин Афанди образи болалар руҳиятига ҳам бирмунча яқин туради. Буни дилдан англаган шоир Туроб Юсуф қаҳрамонда мавжуд бўлган барча улуг фазилатларни мисралар қатига жойлайди. Жумладан,

шоир «Афандининг жавоби» номли шеърида воқеликни шундай тарзда баён этади:

*– Бир гапни сиз туфайли
Тушуниб олсак зора.
Билсангиз, айтинг, қандай
Тикланади минора?*

*– Э ўргилдим сизлардай
Ақл тили дудуқдан.
Минора ҳосил бўлгай
Тўнкарилган қудуқдан.*

ХОТИМА

Йиллар ўтди. Ўтган вақт асносида қаҳрамонимиз оддий ҳаваскор қаламкашликдан эл суйган истеъдодли шоир даражасига етишди. У бу мақомга эришгунга қадар қанчадан-қанча ижод машаққатларини бошдан кечирмади, дейсиз, яъниким, тунларни кунга улаб, «игна билан қудуқ қазиди», ижоднинг романтик дунёсига ошно бўлди, болалар ва катта ёшдаги инсонларга мос, ижтимоий ҳаётнинг қайсидир бир қирраларини ўзида акс эттирган ажойиб асарлар яратди.

Шоирларни «халқ виждони» дейишади. Демакки, шоирлар ижтимоий ҳаётдаги воқеликни бошқаларга қараганда бирмунча вақт олдинроқ англаб етишади. Биз юқорида фикр юритган ижодкоримиз ҳам қаламга олинган воқеликларни синчковлик асосида қалб призмасидан ўтказиб, натижада бадиий жиҳатдан пухта асарлар яратиш имкониятига эга бўлган. Шундай экан, бу борада нозик қалб соҳиби бўлмиш қадрдон шоиримизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик ҳамда янгидан-янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

ИЖОД ДОВОНЛАРИ ОША

Абдулла АҲМАД ижодига чизгилар



ЁШЛИКНИНГ ШИРИН ХОТИРАЛАРИ

Таниқли ёзувчи Абдулла Аҳмад 1944 йили Жиззах шаҳрида таваллуд топган. Унинг ёшлик йиллари айна очарчилик, етишмовчилик пайтларига тўғри келган. Шундай бўлса-да, ёш Абдулла ўзининг зийраклиги билан мактабдош ўртоқлари орасида ажралиб турарди. Унинг, айниқса, адабиётга меҳр қўйишида Жиззах шаҳридаги Эрмат Йўлдошев номи (собиқ Ленин номи) мактабнинг адабиёт фани ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Пўлат Туробов сабабчи бўлган. Муаллим адабиёт дарсини шу даражада жўшқинлик ва маҳорат билан ўтардики, бутун синф унинг сўзларини жон қулоғи билан тингларди. У, айниқса, Ҳамид Олимжон, Ойбек шеърларини санъаткорона даражада ўқиб берар ҳамда ўқувчиларни китоб ўқишга тинмай даъват этарди.

Пўлат аканинг дарс ўтиш сеҳри ва маҳоратидан илҳомланган ёш Абдулла келгусида, албатта, адабиётчи – ижодкор бўлишни кўнглига тугди. У 7-синфда эканлигидаёқ ўзининг «Ватан» деб номланган илк шеърини ёзди. Ушбу шеърни Пўлат муаллим бироз таҳрир қилиб, матбуотда чоп этишга тавсия қилди. Сал ўтмай шеър туман газетасида босилди. Унда шундай мисралар бор эди:

*Дарёлар жўшади тошиб қирғоққа,
Сўнгра жилга бўлиб, охири сўнар.
Азим баланд тоғлар буюк қадди-ла
Табиат ҳукмидан ожиз емрилар.*

*Диллардан бир дам ҳам тарк этиб бўлмас
Ватан деган сўзни, ватан меҳрини.
Ватансиз бахтиёр ҳис эта билмас
Инсон ҳаётини, азиз умрини.*

Бу шеърый машқ газета юзини кўргач, уни жиз-захлик таниқли шоирлардан бири Назиржон Баракаев ҳузурига чақириб, ҳаваскор шоир Абдулла билан суҳбатлашди. Ҳар бир машқини унга кўрсатиб, йўл-йўриқ олиб туришини маслаҳат берди. Ҳаваскор ижодкор бу орада кўплаб шеърлар ёзди. Улар вақтли матбуот ва республика газеталарида босилиб турди.

1961 йилда у ўрта мактабни тугаллаб, кетма-кет икки йил Самарқанд давлат университетининг филология факультетига имтиҳон топширди. Ҳар гал тақдир тақозоси билан мандатдан ўтолмади. Бу орада ўзи туғилиб ўсган қишлоғида тракторчи бўлиб ишлади. Ишдан бўш пайтлари Жиззах шаҳридаги «Халқ театри» спектаклларида роль ижро этди. Айниқса, «Умрзоқнинг иши» комедиясидаги милиция лейтенанти роли томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Энг муҳими шуки, бу комедия республика «Халқ театр»лари кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Кўрик-танлов жараёнида республикага таниқли санъатшунос олим, профессор Сотволди Турсунбоев Абдуллага «Сиздан яхши санъаткор чиқади, иқтидор бор. Сиз мен билан юринг. Истасангиз, Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтига ё бўлмаса Тошкент маданий оқартув техникумининг «Театр бўлими»га тавсия қилсам бас, кириб кетасиз», – деди. Ёш ижодкор негадир техникумни танлади, ўқиш бошланди. Унга ўша пайтнинг машҳур санъаткорлари – Марказий Осиёдаги барча телеканалларнинг биринчи бўлиб тутмасини босган атоқли ре-

жиссёр Армуғон Муҳаммедов, таниқли миниатюра устаси Ҳасанбой Йўлдошевлар сахна ва режиссура сирларидан сабоқ беришди. «Қутлуғ қон» (Ойбек), «Бой ила хизматчи» (Ҳ.Ҳ.Ниёзий), «Қонли сароб» (С.Азимов) спектакларида оммавий сахналарда фаол қатнашиб, улуғ устозлар Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Раззоқ Ҳамроев, Турғун Азизовлар билан яқиндан мулоқотда бўлдики, буни ижодкор ҳануз фахр билан эслаб юради. Бундан ташқари, у «Осиё устида бўрон» киносини лентага муҳрлаш жараёнида оммавий сахналарда фаол иштирок этди.

1966 йил баҳорида у техникумни битиргач, Жиззах туманидаги «Халқ театри»га бош режиссёр этиб тайинланади.

Тошкентда ўқиб юрган кезлари собиқ «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида унинг қўплаб мақола, қатра ва лавҳалари босилганди. У Тошкентдан Жиззахга қайтиш кунлари арафасида мудҳиш Тошкент zilзиласи юз берди. Она Ватанимиз пойтахтининг бирданига вайронагарчиликка учраши унинг қалбига кучли изтироб солди. Бузилган уйлар, одамларнинг қўз ёшлари, ташвишлари унга ҳам тинчлик бермасди. Шуларнинг ҳосиласи сифатида у «Ҳамдардлар» деган биринчи ҳикоясини ёзди. Насрдаги бу илк машқда тошкентликларнинг бошдан кечирган қийинчиликлари билан бирга, жонажон Ўзбекистонимиз халқининг яқдиллиги, аҳиллиги, оғир пайтларда бир-бирини нечоғлик даражада қўллаб-қувватлашлари акс этганди.

1969 йилда ёш ижодкор ихтиёрий тарзда йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга жўнади. Бундан қўзланган мақсади дунёни кезиш, олам, одам ҳақидаги ўз таассуротларини бойитиш эди. Билимдонлиги, рус тилини яхши билиши бу ерда ҳам унга қўл келди. Москва яқинидаги ҳарбий қисмлардан бирида у бўлинма командири

этиб тайинланди. Қатъиятчилиги, интизомчилиги учун олдинга рота комсомол қўмитасининг котиби, сал ўтмай ҳарбий қисм комсомол қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб хизмат қилди. Хизматининг иккинчи йили эса Узоқ Шарқда кечди.

Ҳарбий хизматдан сўнг у Жиззах туманидаги Қодиржон Имомов номи ўрта мактабда бир неча йил ўқувчиларга адабиётдан дарс берди ва айни пайтда республика газета ва журналлари билан узлуксиз ҳамкорлик қилди.

1972–1977 йилларда Сирдарё давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди.

Мактабда ишлаб юрган кезлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист, шоир ва ёзувчи Тожи Одилов уни йўл-йўлакай учратиб, «Абдуллажон, мен сизни кўпдан буён суриштириб юрибман, эртагаёқ «Коммунизм сари» (ҳозирда «Жиззах овози») таҳририятига келинг», – деди. Шу бўлди-ю, Абдулла Аҳмаднинг журналистика билан узвий алоқаси бошланди. Бу даргоҳда ишлаб юрган кезлари у назм ва насрда ўз қаламини синаб кўрди. Публицистик мақолалар ҳам ёзди. Ҳикоячиликнинг сир-асрорларини ўрганиш учун эса қирқдан ортиқ очерклар ёзди. Ўнлаб республика танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Унинг прозадаги илк битиклари, албатта, Тожи Одилов назаридан ўтказилар, ҳар гал устоз унга ўз устида яна ҳам қаттиқроқ ишлашни тавсия қилар эди.

Абдулла Аҳмад 1978 йилда «Жиззах ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири, таниқли публицист ва ёзувчи Ўктам Жавлонов (Ўктам Ортиқзода) нинг таклифи билан шу газетанинг муҳбири ва айни пайтда бошланғич партия ташкилотининг котиби сифатида иш бошлади. Таҳририятда иш

шу даражада қизгин эдики, уни бажариб улгуришнинг ўзи маҳол эди. Шунданми, олдин ишни эплаб олай деб, у қарийб икки йил бадий ижодга фурсат тополмади.

ЎЗУВЧИНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

Абдулла Аҳмад ниҳоят 1980 йилга келиб ўзининг кўпчилиikka манзур бўлган «Бор бўлинг, одамлар» номли ҳикоясини ёзди. Шундан сўнг кетма-кет қатор ҳикоялари, очерклари вилоят ва республика матбуотида чоп этилиб турди.

«Мен ҳажвия ёзишни умуман хаёлга келтирмасдим, – дейди ёзувчи. – Кунларнинг бирида тунда ишдан қайтаётсам, ҳаммага панд-насиҳат қилиб, имон-диёнатдан ваъз ўқувчи бир таниш одам кўшнисининг томорқасидаги дарахтларга эчки боқиб ўтирибди. Мен эса буни кўриб ҳайратдан лол қолдим ва шу кечанинг ўзидаёқ «Мирҳобид ёки «ўқимишли одам» сарлавҳали ҳажвия ёздим. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилди».

Шу баҳона бўлди-ю, ёзувчи ҳикоялар билан биргаликда ҳажвий асарлар ёзишга ҳам киришди. Унинг «Авлиёкуш», «Дардисар», «Шифтдаги башара», «Тасодиф», «Тарсаки», «Ўртақаш», «Ҳалокатли ихтиро», «Пишмаган калла», «Узатилмаган конверт», «Тўй кимники?» сингари ҳажвий асарлари дунёга келди.

Саксонинчи йилларнинг охириларига келиб эса ёзувчи ҳикоячиликда муайян тажриба орттиргач, йирик жанрларга ҳам қўл ура бошлади. Ижодий изланишлар самараси ўлароқ, юз бетдан зиёдроқ саҳифани ташкил этувчи «Олислаган соялар» қиссасининг қораламаси пайдо бўлди. Абдулла Аҳмад уни маромига етказиш мақсадида 1989 йилнинг майида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги ижод уйида бўлди. Бу ерда у атоқли ёзувчилар Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Асқад

Мухтор, Муҳаммад Али, Шукур Холмирзаевлар билан яқиндан танишиб, уларнинг сермазмун адабий гурунгларида баҳраманд бўлди. Айниқса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли романнависи ва ўзбек ҳикоячилигини дунёга танитишга салмоқли ҳисса қўшган Шукур Холмирзаев билан яқиндан мулоқотда бўлиши унинг ижодида туб ўзгариш ясади. Шукур ака билан ижодий суҳбатдан сўнг ўзининг юз саҳифали қиссасидан воз кечиб, бор-йўри шу қисса мавзуси атрофида ўн олти саҳифали асар ёзди. Йигирма беш кун давомида Шукур ака билан яқин мулоқотда бўлди. Ундан унутилмас адабий сабоқ олди.

«Танишганимиздан уч кун ўтгач, Шукур ака менга жиддий қараб: «Сен ҳикояни қандай ёзасан деб сўради, – дейди Абдулла ака. – Мен унга бир нарсаси деёлмадим. Шунда Шукур ака: «Менинг усулим бундай: Ўзимга ёққан воқеани одамларга сўзлаб бераман. Тингловчи уни қизиқиш билан эшитса, ёзаман. Бўлмаса, ёзиб ўтирмайман. Кел, бундай қиламиз. Эртага сен ҳам, мен ҳам биттадан ҳикоя ўйлаб келамиз. Қани кўрайлик-чи, ким қандай ёза олади», – деди табассум билан.

Мен бир кеча-кундуз ўйланиб, отам ҳақида бир фожиали ҳикояни тўқидим. Аниқроғи, ҳикояда отамнинг арвоҳи билан учрашдим, – дейди ёзувчи Абдулла Аҳмад ўша кунларни эсларкан. – Ҳикояни оғзаки айтиб бердим. Шукур ака уни тинглаб: «Зўр нарсаси ўйлабсан. Гап уни қандай ёзишингда. Арвоҳ билан учрашиш қўрқинчли. Лекин сен қўрқма. Одамзоднинг юзта томири бўлади, агар битта томиринг узилмай қолса ҳам ўлмайсан. Ҳикояни қоғозга тушир. Биз уни «Шарқ юлдузи»да эълон қиламиз. Сўнг ўзим кафолат бераман, сен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўласан», – деди.

Шукур Холмирзаев ниҳоятда талабчан, адабиётда бирор сўзни ножўя исроф қилмай ишлатадиган улкан адиб эди. Шунинг учун ҳам ҳикояни устозга манзур бўлмаслигидан чўчиб, саккиз ойча ёзолмадим. Ва ниҳоят ёздим, бироқ Шукур аканинг талабига жавоб беролмаса керак, деган андиша билан у кишига кўрсатолмадим. Ҳикоя республика газеталарида чоп этилди. Бироқ, афсуски, иккала газета ҳам ҳикоянинг энг муҳим бўлган жойини олиб ташлабди. Негаки бу кичик асарда отамнинг мен билан бўлган учрашувида: «Биз ҳали ҳам золимнинг қўлидамиз, ўғлим, золимнинг қўлида!» – деб рус босқинига ишора қилгани олиб ташланган эди», – дейди адиб.

Сўнгги йилларда ёзувчи вилоят газетасида хизмат қилиш билан бирга самарали ижод қилди. «Алвидо, севгилим», «Фарёд», «Олислаган соялар» сингари қиссаларини ёзди. «Мерган», «Нажот эшиги», «Юракдаги исм», «Умид чироғи», «Зафарободнинг зумрад тонглари», «Энди кафил бўлмайман» сингари бир нечта бадиий китоблар чоп эттирди.

«Фарёд» қиссаси тарихий мавзуда ёзилган бўлиб, у ўтган асрнинг 20-30-йилларида халқимиз бошига тушган қонли воқеаларни акс эттирган. Адибнинг айтишича, у тақдир тақозоси билан Сирдарёдаги бир маъракада иштирок этади. Шунда тўқсон ёшларни қоралаган бир кекса инсон ўрнидан туриб: «Жиззахдан ким бор?» – деб сўрайди. Шундан сўнг бир неча киши қатори Абдулла Аҳмад ҳам Жиззахлик эканини айтади. Бояги оқсоқол кўзидан ёш оққанча, «Мен бир айбсиз мўмин рус зўравонлиги туфайли қулоқ қилиниб, шу жойларга ташлаб кетилгандим. У пайтлар бу жойлар гиёҳ битмаган тап-тақир сахро эди. Умрим поёнига етиб бормоқда. Менинг исмим Юнус бойвачча. Ўғилларим, мен ҳеч бир гуноҳи йўқ айбсиз одам-

ман. Гуноҳим – фақат ишсизларга иш, ерсизларга ер, муҳтожларга нон берганим, холос»,– деди.

Шу сабаб ёзувчининг «Фарёд» қиссаси вужудга келди. Қиссада ўша кезларда бошига тухмат ва маломат тоши ёғилиб, сарсон-саргардон бўлган юртдошларимиз қаламга олинади.

Ёзувчининг таъкидлашича, кўпдан бери бир нарсанинг эътиборини тортиб келади ва у шу мавзуда бирон нарса ёзишни ўзининг фарзандлик бурчи деб билади. Адибнинг ҳикоя қилишича, унинг яқин даврдаги ота авлодлари бўлган катта боболари Эрназарбой, Юсуфбой ва отаси Аҳмаджон асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишган. Она авлодлари Муллажон домла, Абдурахим домла ва бобоси Муҳаммадраҳим Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида таҳсил олиб, фикҳ илми бўйича олимлик мақомига эришганлардан. Абдурахим домла Жиззах туманининг «Қўшқўприк» даҳасида истиқомат қилиб, ўз даврида унинг хусусий мактаби ҳам бўлган. Мактабда Жиззах, Зомин, Фориш, Ғаллаорол туманлари ҳудудидан юздан зиёд илму толиб келиб билим олишган. Уларга диншунослик, фикҳ ва дунёвий билимлардан пухта сабоқ берилган. Ёзувчининг бобоси Муҳаммадраҳим ҳам дастлаб отасининг мактабида, сўнг Жиззахдаги бошқа илм даргоҳларида таҳсил олиб, ўн тўрт ёшида Бухорои шарифдаги мадрасага ўқишга кетади. Бу ерда етти йил ҳам дунёвий, ҳам диний сабоқ олгач, дастлаб отасининг мактабида, сўнггра Жиззах мадрасасида фикҳдан сабоқ беради ва айни пайтда Жиззах туманининг «Оғажон» қишлоғидаги масжидда имомлик қилади.

1916 йилда рус подшолигининг буйруғи билан рус бўлмаган халқлар, жумладан, Жиззах музофотидан ҳам мардикорликка олиш бошлангач, музофотнинг «кўзи очиқ» зиёлилари бу зулмкор сиё-

сатга қарши чиқадилар. Ҳозирги Алишер Навоий номли сув истеъмолчилари уюшмасида истиқомат қилган Назирхўжа Абдусаломов етакчилигида бир гуруҳ зиёлилар: Зиё қори Абдуллаев, Комил қори Бобожонов, Жайноқ Абдирахмонов, Муҳаммадраҳим Абдурахимов ва бошқалар бу ҳаракатга фаол қўшилади. Муҳаммадраҳим ва Зиё қори Назирхўжанинг асосий ёрдамчилари сифатида қўзғолонга бевосита раҳбарлик қилишади. Қўзғолон бостирилгач, бир гуруҳ етакчилар қаторида Муҳаммадраҳим ва Зиё қори осиб ўлдирилиб, Самарқанд чой қадоклаш фабрикаси ёнидаги, бир пайтлар Арабистондан келиб, динни ташвиқот қилган одам қабри ёнига кийим-кечаклари билан кўмиб юборилади.

Ёзувчи Абдулла Аҳмад шу мавзуда узоқ излашиб, республика марказий архивида, Бухорои шариф мадрасасида, Самарқанддаги «Мурод авлиё» зиёратгоҳида бўлиб, ушбу тарихий мавзуда асар ёзишга киришди. Ҳозирги кунда ушбу асар якунланиш арафасида.

ХОТИМА ЎРНИДА

Хуллас, меҳнат фаолиятини адабиёт муаллимлигидан бошлаган Абдулла Аҳмад кейинчалик қишлоқ мухбири сифатида туман, вилоят газеталарида ўзининг хабар ва мақолалари билан қатнашиб турди. Маълум вақтдан кейин эса публицистиканинг очерк жанрига мурожаат қилиб, турли мавзуларда қирқдан зиёд очерклар ёзди ва уларнинг кўпчилиги республика газета ҳамда журналларида чоп этилди.

Очеркнавис сифатида таҳририни пишитиб олган ижодкор ўз қаламини ҳикоячилик ва ҳажвчиликда ҳам синаб кўрди. Натижада ранг-баранг

мавзулардаги қатор ҳикоялари ва ҳажвий асарлари вужудга келди. «Алвидо, севгилим», «Олислаган соялар». «Фарёд» қиссалари китоб ҳолида чоп этилди. Адабиёт ва журналистика соҳасидаги хизматлари инобатга оlinиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға бinoан «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Абдулла Аҳмад жиддий ижодий изланишда. Яқинда Тошкентдаги «Янги нашр» нашриётида юртдошимизнинг қиссалар, ҳикоялар, эсселар, ҳажвиялардан иборат «Ҳамият» номли китоби чоп этилди.

Юқорида қайд этилган фикрларимиздан келиб чиқиб, қадрли ёзувчимизға машаққатли ижод йўлида ҳормай-толмай олға юришини, китобхонлар қўнглини ром этувчи асарлар яратаверишини истаб қоламиз.

SOKIN
DARYO MAVJLARI

Turob YUSUF ijodiga chizgilar



I. BALOG'AT BO'SAG'ASIDA

1. Sho'x bolalik, asov bolalik

1954-yil mart oyining ilk kuni. Ko'hna, azim Samarqand viloyatining Qo'shrabot tumani hududidagi «Jabutay» qishlog'ida istiqomat qiluvchi Qorjov ota va Tojixol aya Yusupovlar xonadonida o'g'il farzand dunyoga keldi. Ota makon tuprog'ini hamisha yodda tutsin, o'zi ham tuproqday xokisor, kamtar bo'lsin degan niyatda unga Turob deya nom qo'yishdi. Bizga ma'lumki, asli arabcha bo'lgan bu kalom «tuproq», «zamin» ma'nolarini anglatadi.

Yosh Turobning dastlabki bolalik yillari Beshbarmoq tog'i etagida yastangan qadrdon qishlog'ida kechdi. Viqorli toqqa tutashib ketgan cheksiz qiradirlarda ungan yam-yashil maysalar, rang-barang gul-chechaklar, qo'y-qo'zilarning ma'rashlari yosh ko'ngilga o'zgacha bir zavq baxsh etardi. Ajoyib manzaralardan bahra olish maqsadida muttasil ravishda go'zallikka talpinish odati, uni yuqori pardalarda kuylash istagi, shoirlikka ishtiyoqi unda o'sha kezlarda shakllana boshlagan bo'lsa, ajab emas.

Har bir zamonning o'ziga yarasha esda qolarli voqea-hodisalari bo'ladi. O'sha kunlarda ona o'lkamizda qush uchsa, qanoti, odam yursa, oyog'i kuyadigan qadim Mirzacho'lni o'zlashtirish harakati keng tus olgandi. Ne qismatki, 1957-yilning erta bahorida Qorjov ota oilasi ham o'z taqdirini ana shu azim cho'lni obod qilishdek savobli yumush bilan bog'ladi. Binobarin, yosh Turobning keyingi hayoti ana shu joylarda kechdi.

2. O'smirlikning oltin ostonasi. o'spirinlik – ajoyib davr

1970-yili Jizzax viloyatining Paxtakor tumani (o'sha kezlarda Sirdaryo viloyati tasarrufida edi)ga qarashli «Samarqand» davlat xo'jaligi hududida joylashgan 6-sonli o'rta maktabni a'lo baholarga tugatib, kelgusi yili Turob Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika instituti (hozirda universitet)ning filologiya fakultetiga o'qishga kirdi. Mazkur ilm dargohida to'rt yil davomida o'sha kezlarda yurtimizning ko'zga ko'ringan atoqli olimlari, professorlar Natan Mallayev, Mazluma Asqarova va ular singari bir qator o'z kasbining mohir ustasi bo'lgan ajoyib o'qituvchi, taniqli domlalardan saboq oldi, ulardan ilm sirlarini qunt bilan o'rgandi. U 1975-yilda «o'zbek tili va adabiyoti o'qituvchisi» ixtisosligi bo'yicha institutni imtiyozli diplom bilan tugatdi. Talabalik yillaridayoq yurtimizning atoqli qalam sohiblari Abdulla Oripov, Rauf Parfi, Muhammad Ali, Normurod Narzullayev, Narimon Orifjonov, Usmon Azim, Nodir Normatov, Mirpo'lat Mirzo, Temur Ubaydullo, Rauf Toliblar bilan yaqin munosabatda bo'lib, badiiy ijod sohasida ustoz ijodkorlardan ko'p narsa o'rgandi. Oliy o'quv yurtini bitirgach, taqdir kemasi uni yana avval o'zi yashab, o'qigan «Samarqand» qishlog'iga olib keldi.

Bu yerda birmuncha vaqt o'zi ta'lim olgan 6-sonli o'rta maktabda yuqori sinf o'quvchilariga o'zbek tili va adabiyotidan dars berdi.

3. Umr chamanidir barno yigitlik

1976-yilning yoz oyidan boshlab o'zi yashagan tumandagi «Paxtakor» (keyinchalik «Paxtakor hayoti») gazetasi tahririyatida qishloq xo'jalik bo'limi mudiri vazifasida samarali mehnat qildi. Shu ma'noda uning

jurnalistik mahorati ham kamol topib, ijtimoiy hayotimizning bir qancha voqeliklarini o'z ichiga olgan qator-qator publitsistik maqolalari, lavha va ocherklari matbuot sahifalarida e'lon qilindi. Unda mehnatkash xalq vakillari hayoti va ish faoliyati ishonarli tarzda yoritildi. Shu yerdan harbiy xizmatga chaqirilib, Bol-tiqbo'yi o'lkalarida yigitlik burchini o'tab qaytdi.

1981-yil apreldan 2000-yil bahoriga qadar Ichki ishlar idoralari safida ishlab, qirq olti yoshida pod-polkovnik unvonida nafaqaga chiqdi.

Qahramonimiz qayerda va qaysi vazifalarda ishlamasin, ijodiy izlanishlarini to'xtatmadi, kuch-quvvatining asosiy qismini ana shu savobli ishga sarfladi. Xullas, o'tgan yillar mobaynida uning sakkizta she'riy majmuasi o'quvchilar qo'liga tegdi.

4. Beminnat ustozlik – oliy himmat

1999-yil avgust oyi boshida O'zbekiston xalq shoir-lari Rauf Parfi (ilohim, Yaratgan Egam u zoti sharifni o'z rahmatiga olgan bo'lsin), Xurshid Davron va shoir Temur Ubaydullolarning tavsiyasi asosida O'zbekis-ton Yozuvchilar uyushmasi a'zoligiga yakdillik bilan qabul qilingan ijodkor bugungi kunda o'nlab yoshlar-ga ustozlik qilib, ularga o'z beminnat yordamini ko'r-satib kelmoqda. Yaqin o'n yilliklarda olim va shoir Baxtiyor Mirzo, shoir va jurnalist Jo'ra Muhammad, shoir Muhammad Akajonov, Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindori Ma'mura Yoqubova, hayotligida yuqori lavozimlarda ishlagan Nurmuhammad Uma-rov, hayotdan erta ketgan yosh iste'dod sohibi Xay-rulla Abdullayev (Shahriyor), hozirda ham badiiy ijod bilan muntazam shug'ullanib kelishayotgan Primqul Shermat, Ne'mat Alimov, Sitora Rahimzoda, Gulnoza Tog'ayeva, Mahliyo O'rozboyeva, Zebiniso Sirojova, Ali Rahmon, Yorqinoy Abduqodirova, Safargul Abdul-

layeva, Mahliyo Tilovova, Bahora Mamirova singari iste'dod egalarining she'riy kitoblari uning muharrirligida nashrdan chiqdi.

Ijodkorimiz oilasida ham baxtini topgan inson. Umr yo'ldoshi Toshgul opa Aytboyeva o'qituvchilikdan nafaqaga chiqqan saodatli ayol. Ikkalasi birgalikda besh nafar farzandni odobli, oqibatli qilib tarbiyalashdi. Bugungi kunda dilbandlar kamolidan dillari iftixor nashidasiga to'la.

Qissadan hissa shulki, sevimli shoirimiz Maqsud Shayxzoda aytganlaridek, «Shoir qalbi dunyoni tinglar». Modomiki shunday ekan, biz yuqorida o'zi va ijodi haqida baholi qudrat fikr yuritgan iqtidorli shoirimiz Turob Yusufning kishi ongiga, yuragiga ta'sir etadigan, unga estetik zavq beradigan, Vatan va bashariyat manfaatlariga mos keladigan asarlar yozish uchun bor kuch-qudratini ayamaydigan fidoyi ijodkorlar sirasiga kirishi tabiiydir.

II. IJODKORNING NAZM GULSHANI

Turob Yusuf Jizzax viloyati adabiy muhitida o'z nomi va o'rniga ega ijodkor. Mana, qirq yildan oshib-diki, voha she'riyat shinavandalari, boshqa nazmsevar yurtdoshlari qatori, respublikamizning qolgan hududlarida yashovchi nazm ixlosmandlari ham satrlarida kuchli qalb tug'yoni aks etib turgan bu kamtarin, biroq o'ziga nisbatan o'ta talabchan dovot egasining mahorat bilan bitilgan ko'ngil bitiklaridan bahramand bo'lib kelishadi, tashna ruhiga ma'naviy oziq olishadi.

Uning qator yillar mobaynida chop etilgan she'riy to'plamlari o'quvchilar kitob javonlaridan allaqachon mustahkam o'rin egallagan. Shoirning ijodiy laboratoriyasi bilan yaqindan tanishilganda, ijodkor tomondan turli yillarda nashr ettirilgan «G'aroyib orzu»

(1992), «To'qnashuv» (1993), «Uyqudagi bahodir» (1994), «Anodil diyori» (1995), «Chaqmoqqa aylangan bola» (1995), «Yuksakdagi sehrli dunyo» (1996), «Munosabat» (1997), «Muhabbatning ma'yus qo'shiqlari» (1999) kabi kitoblari she'riyatimiz ravnaqiga ma'lum darajada hissa bo'lib qo'shilganligiga iqror bo'lamiz. Bu she'riy to'plamlarga kirgan yuqori saviyadagi badiiy ijod namunalari muallifning ijtimoiy hayot, kishilik jamiyati, moziy va tabiat hodisalari haqida teran mushohada yuritish qobiliyatidan darak beradi.

Ma'lumki, ijodkor xalqimiz butun kishilik jamiyati taraqqiyoti davomida o'zi yaratgan folklor asarlariga ijodiy nuqtayi nazardan yondashib, o'zining orzu-istaklariga qarab, uni yangi motivlar, obrazlar bilan to'ldirib, boyitib kelgan. Shu boisdan shoirimiz ham xalq og'zaki ijodi (folklor) janrlariga murojaat qilib, jumladan, «Go'ro'g'li yodi» she'rida shunday yozadi:

*Asov otdek shiddatga to'lgan
Qirq yigiti bilan o'sha sher,
Chambilini olmoqchi bo'lgan
Yov boshida siltaydi shamshir.*

Yoki she'r so'ngida shunday xulosa yasaladi:

*Dilga soldim o'chmas bir cho'g'ni,
Kim naf poylar mendek sabrdan.
Bir kun, aniq, o'sha Go'ro'g'li
Bosh ko'tarib chiqar qabrdan.*

Iste'dodli qalamkashning mavzu doirasi havas qillarli darajada keng. Vatan, xalq, tabiat, ona, muhabbat singari umrboqiy mavzular uning ijodida ham asosiy o'rin tutadi. Shoir o'tmish va hozirgi davr she'riyatiga xos ko'hna aruz hamda zamonaviy barmoq va sarbast (erkin she'r) vaznlarining hammasida ham baholi qud-

rat qalam tebratib kelmoqda. Lekin barmoq vaznida bitilgan she'rlar uning ijodida salmoqli o'rin egallaydi. Shu o'rinda yurtdoshimizning ana shu vaznga daxldor sarlavhasiz sakkiz qatorli she'rini to'liq keltirib o'tishimiz maqsadga muvofiqdir:

*Yashash nechun, yuksak falakka
Talpinmasam, imo qilmasam?
El qaragan otash yurakda
Xush navolar bino qilmasam?*

*Bir zo'r hikmat qaddin tutib tik,
Eslatadi menga doimo:
«Bu dunyoning zavoli – jimlik,
Bu dunyoning iqboli – navo».*

Shuningdek, Turob Yusuf ijodida ona Vatan mavzusi ham ancha keng o'rin egallaydi. Xususan, uning «To'qnashuv» to'plamidan joy olgan «Yurtinga» nomli she'rida tabarruk makonga bo'lgan hurmat-ehtiro m tuyg'usi muallifning quyidagi satrlarida o'zining yorqin ifodasini topgan:

*Tanho yurt, senda qo'sh xislat mujassam,
Dilimga onasan, ruhimga singil.
Go'daging ko'ksingga bosgil-u mahkam,
Kel, sodiq akaning ko'kday muazzam,
O'tli quchog'iga nur kabi singgil.*

She'rning xotima qismida shoir qadrdon o'lkasini mangulikka mengzaydi:

*Mangusan. Sen uni alqama, mayli,
«Yotar tobutimning chegasisan», deb.
Netsin, Yaratganning shu bo'lsa zayli,
Ta'na qilma mudhish xato tufayli
Unga «O'tar umr egasisan», deb.*

Shoir atrofidagi voqea-hodisalarga befarq qaramaydi, aksincha, zamondoshlari sevinchi, tashvishini o'zini deb biladi. Shodumon insonlar quvonchi qalbini nurafshon etganida, bu tuyg'ularini u to'lib-toshib kuylaydi, kimningdir ko'zida bir tomchi yosh ko'rganida, yuragi titroqqa tushib, o'ylanib, halovatini yo'qotib, kechinmalarini she'rga aylantiradi. Shu ma'noda «Farzandsiz ayol» she'ridagi quyidagi ta'sirga boy misralar fikrimizga dalil bo'ladi, deb o'ylaymiz:

*O'z tolengdan, mayliga, quvon,
O'zgani ham anglamagin xor.
Bu go'shada go'zal bir juvon
Yashar farzand tirnog'iga zor.*

Shoirning tahsinga molik falsafiy, psixologik olami mazkur she'rning shunday ajoyib tarzda yakunlanishi uchun zamin hozirlagan:

*Diydor damin kutar betoqat,
G'ubor yo'q bu nash'u namoda.
Hammaniki yerdadir, faqat
Yolg'iz uning o'g'li – samoda.*

She'riyatda ishq-muhabbat, vafo-sadoqat mavzusi hech qachon eskirmaydi. Ijodkor bu mavzuga qayta-qayta murojaat qilib, qalbini junbishga keltirgan his-tuyg'ulari haqida «Chamanlar barq urdi...» deb boshlanuvchi sarlavhasiz she'rda shunday misralar tizadi:

*Chamanlar barq urdi bu jism-u jonda,
Tole og'ushida o'zni unutdim.
G'oyib mulkisifat ilohiy onda
Nafis qo'llaringdan ilk bora tutdim.*

Shoir fikrida davom etib, sevgilisiga bo'lgan oshiqona munosabatini yana ham ishonarli tarzda ifoda etadi:

*Qo'lm bu, yaproq yo yaydoq zaminda
Ey, bashar shaklida ungan go'zal gul?
Ishq shamdoni uza yongan shamingda
Dilim parvonadek qovrildi butkul.*

Zukko kitobxon yuqorida bildirilayotgan fikr-mulohazalar, asosan, shoirning «Munosabat» (1997) deb nomlangan keyingi kitobi xususida ekanligini payqab olgan bo'lsa, ajabmas.

She'riyatimizda, ma'lumki, gul – go'zallik, nafosat, tinchlik, farovonlik, obod turmush timsoli. Odamzod nasli bir umr mana shu tuyg'ularga intilib yashashini chuqur idrok etgan shoir qalb kechinmalarini badiiy so'zlar gulxaniga aylantirib, undan barchani birdek bahramand qilmoqchi bo'ladi. Zotan, uning «Gul» she'rida tabiatning bu nafis mo'jizasi o'z in'ikosini topadi:

*Sensan nafis, pok chamanlarning
Ko'rk - chiroyi, shukuhi, ruhi.
Zero gulzor, bog' deganlari –
Kengash qurgan gullar guruhi.*

Yoki she'r davomidagi:

*To'ngan ilhom yuz quyoshingdan
Quvvat olib, tortmasa jo'shqin,
So'lgan qay bir o'tmishdoshingga
O'rtanib she'r bitmasdi Pushkin, –*

misralari o'quvchi yuragini to'lqinlantirmay qo'ymaydi.

Dunyoga sigʻmaslik – azaldan shoirlar qismatida bor gap. Shuning uchun ham uning sheʼrlari markazida turgan lirik «Men» oʻzining bir qator fazilatlarini bilan muallif tabiatiga yaqin keladi. Turob Yusufning «Oʻtayotgan yoz-qishlarimda» deb boshlanuvchi sheʼrida muallif voqelikka boʻlgan munosabatini quyidagicha muxtasar bayon etadi:

*Oʻtayotgan yoz-qishlarimda
Onam – zamin, akam – diyonat.
Yaxshi-yomon qilmishlarimga
Yer – koʻngilchan, hakam – diyonat.*

Koʻklam – tabiatning uygʻonish fasli. Shu bois, shoir «Bahorga» nomli sheʼrida ona tabiatning bu bebaho davriga xos xususiyatini shoirona mahorat bilan ochib berolgan:

*Bahor, bir oshiqdek qotdim yoʻlingda,
Falak sigʻdirolmas hayajonimni.
Garchand oʻlmoq sharaf sening qoʻlingda,
Baribir vaqtimas, aya jonimni.*

Demakki, yuqorida qayd qilingan sheʼrlardagi muxtasar fikr bayoni, soddalik va ravonlik, bimalol aytishimiz mumkinki, ularning oʻqimishli boʻlishini taʼminlagan. Deyarli har bir sheʼrda ijod sohibining oʻtli qalbi, begʻubor oʻy-istaklari va pokiza ichki olamini anglashimiz, dunyoqarashini his qilishimiz mumkin.

Koʻhna aruz vazni – bizga oʻtmishdan meros. Moziyning buyuk qalam sohiblari ijod qilgan bu murakkab vaznda qalam tebratish har kimning ham qoʻlidan kelavermaydi. Lekin iqtidorli shoirimiz bu sinovdan muvaffaqiyatli oʻtgan. Shu maʼnoda, qalam sohibining aruz vazniga doir ushbu moʻjaz sheʼri ham muallif isteʼdodining muhim belgisiday jaranglaydi:

*Oddiy kasma, pir o'tirgan yerga bu boshim tegur,
Manglayidan xalq to'kkan sho'r terga bu boshim tegur.*

*Qutlug' hikmat oldida tik turmog'imdan naf neder,
Ham Navoiy dasti bitgan she'rga bu boshim tegur.*

Qalamkashning aruz vaznidagi she'rlari orasidan joy olgan ishqiy mavzudagi bitiklarida ham muallifning orifona va oshiqona ruhdagi baytlarini ko'plab uchratishimiz mumkin. Jumladan, «Ishq bayoni» nomli g'azalida uning ichki ruhiyatini aniq-tiniq his etamiz:

*O't yuzing uzra ruhimdek charx urar parvona yo'q,
Bor fidoyi xilqat ichra u kibi mardona yo'q.*

*Qilsa parvona agarda shamga bir bor jon fido,
Ruh fido ming bor ro'yingga, bunda lof, afsona yo'q.*

G'azalning maqta'sida shoir ko'nglidagi kechinmalarga ishonarli tarzda nuqta qo'yadi:

*Bitdi sabrim, sochlaring tez aylagil bo'ynimga dor,
Mashrab o'lgan, bu Turobdin boshqa bir devona yo'q.*

Ijodkorning o'tmish mumtoz adabiyotiga, u bino bo'lgan va boqiy she'riyatdek muhtasham qasrga tamal toshi bo'lib qo'yilgan eski ko'hna aruz vazniga nisbatan jo'sh urgan mehr-muhabbati – uning barmoq vaznida bitilgan qator asarlarida iste'moldan chiqib borayotgan yoki butunlay chiqib bo'lgan, unutilayozgan ba'zi arxaik so'zlarni o'z joyida, maromida ishlatisini ta'minlaganini kuzatish mumkin. Binobarin, bu hol bugungi kunda yaroqsiz holga kelib qolgan, o'lib borayotgan bunday so'zlarga go'yoki ikkinchi bor hayot bag'ishlaganday holatni vujudga keltirgan. So'z boyligi salmoqli qalamkashning muqaddam

dunyo yuzini ko'rgan sakkizta she'riy majmuasining sanoq bo'yicha to'rtinchisiga aynan «Anodil diyori» deb nom berganligining o'ziyoq yuqoridagi fikrimizni yana bir bor tasdiqlaydi. Chunonchi, arabcha «andalib» kalomi turkiy tilda birlikdagi «bulbul» ma'nosini anglatishini moziy merosiga qiziquvchilarning ko'plari yaxshi bilishadi. Lekin uning ko'plikdagi «anodil», ya'ni «bul-bullar» mazmunini ifodalovchi ko'rinishidan, imonimiz komilki, ko'plarimiz mutlaqo bexabarmiz.

Bundan tashqari, eski, sinonim so'zlarni qo'llash masalasida, kishi nazarida, shoir qobiliyatining go'yoki yangi qirralari ochilganday tasavvur hosil bo'ladi. Xususan, «Munosabat» to'plamining 98-betidan joy olgan «Jahoniy talvasa» she'rining dastlabki ikki misrasini tahlil elagidan o'tkazib ko'rsak:

*Behisob ganj topib, tinchim yo'qotdim,
Ki, vajhing vajhidin vajhga botdim.*

Mazkur she'r so'ngida izoh berilganidek, bu o'rinda birgina «vajh» so'zi shoir tomonidan bir satrning o'zida uch xil ma'noda, ya'ni birinchi qo'llanilishida – «yuz», «chehra», ikkinchi marotaba ishlatilishida – «sabab», «bois», uchinchi marta, ya'ni qator oxirida so'nggi bor namoyon bo'lganida – «boylik», «molumk» ma'nolarida kelganligi – muallifning mahorat maktabi shakllanganligi isboti, deya izohlashimiz uchun imkon tug'diradi.

Turob Yusuf ijodida erkin (sarbast) vazndagi she'rlar ham alohida o'rin egallaydi. Shoirning dastlabki «G'aroyib orzu» to'plamidan joy olgan ushbu vaznga daxldor she'rlari uning shu vazn imkoniyatlarini naqadar puxta o'zlashtirganidan dalolat beraadi. Fikrimizning isboti sifatida ijodkorning «Zaminga hasrat» she'ridan quyidagi parchani keltirishimiz mumkin:

*Kechir, sen-u, yana qancha bahorlar
Oldida kattadir ayb-u gunohim.
Xor-u abgor qilib o'ttiz bahorni,
Loaqal bir bahor bermadim Senga.*

O'tkir qalam sohibi sərbast imkoniyatlaridan kelib chiqib, ushbu she'rni ham mohirona tarzda xotimalaydi:

*Qaltis dam, daldaga muhtoj mahaling
Kel, shoir bag'riga o'zingni otgin,
Qanotsiz ham moviy falakda uchgan,
Vujudsiz ham tirik yurgan Go'zal Bosh.*

Mahoratli qalamkash Turob Yusuf xoh aruzda bo'lsin, xoh barmoqda yoxud sərbastda bo'lsin, nazmning mavjud imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda shakl va mazmun munosabatlariga ijodiy yondashadi. O'xshatish, metonimiya, metafora, sinekdoxa va boshqa bir qator shakliy ifodalilikka o'z munosabatini she'riy shakllarda ifodalaydi. Jumladan, «Tazarru» she'rida yuqorida zikr etilgan badiiy ifodalilikni quyidagicha talqin etadi:

*To'xtadi – zo'r afsun qilganiday kor,
Oldimda oqishdan qildi hazar yo.
Rostmas bu ko'rganim zinhor - bazinhor,
Sening ko'z yoshlaring – betinim daryo.*

Shoir she'riyati bilan yaqindan tanishar ekanmiz, kitoblardagi she'rlar silsilasi yetti bo'g'indan to o'n to'rt bo'g'inga qadar bo'lgan har xil ijod namunalaridan tarkib topganligiga guvoh bo'lamiz. Yuqoridagi she'riy shakllar silsilasida barmoq vaznidagi she'rlar, asosan, «a-b-a-b», «a-b-v-b», «a-a-b-a», «a-a-a-b», «a-a-b-b» tarzida qofiyalanganligini ko'rishimiz mumkin. Aruz vazniga mansub g'azallarning esa hazaj, mu-

taqorib bahrlarida mohirona tarzda, vazn imkoniyatlaridan kelib chiqib yozilganligiga shohid bo'lamiz.

Shoir ijodiy laboratoriyasi bilan tanishish asnosida uning go'zal to'rtliklar bitganiga ham iqrorligimiz ortadi:

*Ajablanma, gapim mantiqqa teng-ku,
Umrindan hayratim lahzasi ko'proq.
Axir yonib chopib boruvchi men-ku,
Nega hansiraysan poyimda, tuproq.*

Bilamizki, ijodkor Turob Yusuf – Ichki ishlar idoralari faxriysi. Bu sohada yigirma yilga yaqin ishlab, podpolkovnik unvonida iste'foga chiqqan, jinoyat olamining ancha-muncha «kirdi-chiqdi»laridan xabardor odam. Qator yillar davomida me'yordan tashqari ish usuli joriy etilgan o'ta sertashvish va sertahlika yumush bilan band bo'lganligi ba'zan nasrda ham qalam tebratgan ijodkor uchun bu borada o'ziga xos boy tajriba maktabi vazifasini o'tadi, izquvarlik mavzuidagi bir qator asarlar qoralash uchun zamin hozirladi. 1999-yili respublika Ichki ishlar vazirligi nashri – «Postda» gazetasi tahririyati tomonidan uyushtirilgan «El-yurt osoyishtaligi yo'lida» tanlovida uchinchi o'ringa munosib ko'rilgan, gazetaning ikki-uch sonida e'lon qilingan «Yirtqichlarning yengilishi» nomli hikoyasi, bugungi kunda chop etilish paytini kutib yotgan ikki-uchta qissalari ham, aytish mumkinki, ana shu davrdagi hayotiy tajriba asosida qo'lga kiritilgan dalil-u dastak hamda izlanishlar mahsulidir.

III. MURG'AK QALBLARGA YO'L IZLAB

Ijodkorning kattalarga singari yosh bolalar qalb, ruhiga mos-u manzur badiiy ijod namunalarini yaratish bilish iqtidori ham tahsinga loyiq. Uning «Uyqudagi bahodir», «Chaqmoqqa aylangan bola», «Yuksak-

dagi sehrli dunyo» to'plamlari to'la-to'kis kenja avlod vakillariga bag'ishlab yozilgan she'r-u ballada hamda dostonlardan tarkib topgan.

Quyida uning «Uyqudagi bahodir» nomli she'riy to'plamidan joy egallagan bolalarbop she'rlariga to'xtalmoqchimiz. Bizningcha, kelajagimiz davomchilari haqida she'r yaratishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan ijodkor, avvalambor, bolaning murg'ak qalbini qamrab olgan his-tuyg'ular olami bilan yaqin oshno bo'lishi shart. Shu bois, ijodkorning haqiqatdan ham yosh avlod namoyandalari fe'l-atvorini yaxshi bilishi – uning kichiklarbop, sodda, ravon she'rlaridan yaqqol sezilib turadi. Chunonchi, «Sabab» she'rini olib ko'raylik:

– *Nimaga titrab labi,
Xafa turibdi Nabi?*
– «Ye», *deb akasi Rabbim
Muzqaymoq berib ketdi.
Soyada turmagandi,
Yeguncha erib ketdi.*

Turob Yusuf ijodida yosh bo'g'inga mo'ljallangan ballada va dostonlar ham talaygina. Uning «Gullar haqida ballada», «Chaqmoqqa aylangan bola», «Hakimjonning g'aroyib ovi» balladalari, «Oltin boshqoq hamda qora chumolilar haqida rivoyat»i, «G'aroyib saltanat», «Quyosh ko'targan odam», «Uyqudagi bahodir», «Uchgan chinor haqida doston», «Uch fazilat haqida doston» kabi yirik epik asarlari bolalar adabiyoti xazinasiga munosib hissa bo'lib qo'shilgan. Kezi kelganda sizning diqqat-e'tiboringizni kelajagimiz egalariga atab chiqarilgan dastlabki kitobdan o'rin olgan «Sichqonchanning sarguzashtlari» ertak-dostonining boshlanish qismiga tortishni istardik. Xalq og'zaki ijodiga mansub barcha ertaklarda deyarli bir

xilda takrorlanib keladigan «bir bor ekan, bir yo'q ekan, och ekan-da to'q ekan, bo'ri bakovul ekan, tulki yasovul ekan, qarg'a qag'imchi ekan, chumchuq chaqimchi ekan», degan sifatlashlardan farqli o'laroq, ma'lum miqdordagi yirikroq bu she'riy asar debochasi «Umid, orzu, armonlar ertaklarda jam bo'lgan, sichqondan qahramonlar lekin juda kam bo'lgan» so'zlari bilan boshlanadi. Yosh bolalar ichki dunyosidan yaxshi xabardor bo'lgan muallif «Sichqonchani sarguzashtlari» ertak-dostonida fikrini davom ettirib, shunday yozadi:

*Gar sher-u bars ohumas,
Sher, bars bilan solishsa,
Mushuklar sichqon emas,
Tengin topib olishsa, –*

*Sira umr baxtidan
Tortmaganda xavotir,
Aniq, sichqon ahlidan
Chiqar edi ko'p botir.*

Ko'rib turibsizki, sodda va samimiy bu misralar bolalar ko'nglidan osongina joy oladi. Yuqorida nomi keltirilgan ushbu ertak-doston ham, bizning fikrimizcha, o'ziga xosligi va anchayin pishiq yozilganligi bois, bolalar adabiyotida qator yillar davomida yashab qolishga haqlidir.

Darhaqiqat, Nasriddin Afandi obrazi badiiy adabiyotda nechog'lik qadrlansa, bolalar adabiyotida ham shunchalik e'zoz topgan. Bu obrazdagi hushyorlik, topqirlik, hozirjavoblik xislatlari katta-yu kichikning qalbida birday kulgi va xayrixohlik kayfiyatini uyg'otadi. Shu bois, Nasriddin Afandi obrazi bolalar ruhiyatiga ham birmuncha yaqin turadi. Buni dildan anglagan shoir Turob Yusuf qahramonda mav-

jud bo'lgan barcha ulug' fazilatlarni misralar qatiga joylaydi. Jumladan, shoir «Afandining javobi» nomli she'rida voqelikni shunday tarzda bayon etadi:

– *Bir gapni siz tufayli
Tushunib olsak zora.
Bilsangiz, ayting, qanday
Tiklanadi minora?*

– *E o'rgildim sizlarday
Aql tili duduqdan.
Minora hosil bo'lgay
To'ng'karilgan quduqdan.*

XOTIMA

Yillar o'tdi. O'tgan vaqt asnosida qahramonimiz oddiy havaskor qalamkashlikdan el suygan iste'dodli shoir darajasiga yetishdi. U bu maqomga erishgunga qadar qanchadan-qancha ijod mashaqqatlarini boshdan kechirmadi, deysiz, ya'nikim, tunlarni kunga ulab, «igna bilan quduq qazidi», ijodning romantik dunyosiga oshno bo'ldi, bolalar va katta yoshdagi insonlarga mos, ijtimoiy hayotning qaysidir bir qirralarini o'zida aks ettirgan ajoyib asarlar yaratdi.

Shoirlarni «xalq vijdoni» deyishadi. Demakki, shoirlar ijtimoiy hayotdagi voqelikni boshqalarga qaraganda birmuncha vaqt oldinroq anglab yetishadi. Biz yuqorida fikr yuritgan ijodkorimiz ham qalamga olingan voqeliklarni sinchkovlik asosida qalb prizmasidan o'tkazib, natijada badiiy jihatdan puxta asarlar yaratish imkoniyatiga ega bo'lgan. Shunday ekan, bu borada nozik qalb sohibi bo'lmish qadrdon shoirimizga mustahkam sog'lik-salomatlik hamda yangidan-yangi ijodiy parvozlar tilab qolamiz.

IJOD DOVONLARI OSHA

Abdulla AHMAD ijodiga chizgilar



YOSHLIKNING SHIRIN XOTIRALARI

Taniqli yozuvchi Abdulla Ahmad 1944-yili Jizzax shahrida tavallud topgan. Uning yoshlik yillari ayni ocharchilik, yetishmovchilik paytlariga to'g'ri kelgan. Shunday bo'lsa-da, yosh Abdulla o'zining ziyrakligi bilan maktabdosh o'rtoqlari orasida ajralib turardi. Uning, ayniqsa, adabiyotga mehr qo'yishida Jizzax shahridagi Ermat Yo'ldoshev nomli (sobiq Lenin nomli) maktabning adabiyot fani o'qituvchisi, xalq maorifi a'lochisi Po'lat Turobov sababchi bo'lgan. Muallim adabiyot darsini shu darajada jo'shqinlik va mahorat bilan o'tardiki, butun sinf uning so'zlarini jon qulog'i bilan tinglardi. U, ayniqsa, Hamid Olimjon, Oybek she'rlarini san'atkorona darajada o'qib berar hamda o'quvchilarni kitob o'qishga tinmay da'vat etardi.

Po'lat akaning dars o'tish sehri va mahoratidan ilhomlangan yosh Abdulla kelgusida, albatta, adabiyotchi – ijodkor bo'lishni ko'ngliga tugdi. U 7-sinfda ekanligidayoq o'zining «Vatan» deb nomlangan ilk she'rini yozdi. Ushbu she'rni Po'lat muallim biroz tahrir qilib, matbuotda chop etishga tavsiya qildi. Sal o'tmay she'r tuman gazetasida bosildi. Unda shunday misralar bor edi:

*Daryolar jo'shadi toshib qirg'oqqa,
So'ngra jilg'a bo'lib, oxiri so'nar.
Azim baland tog'lar buyuk qaddi-la
Tabiat hukmidan ojiz yemrilar.*

*Dillardan bir dam ham tark etib bo'lmas
Vatan degan so'zni, vatan mehrini.*

*Vatansiz baxtiyor his eta bilmas
Inson hayotini, aziz umrini.*

Bu she'riy mashq gazeta yuzini ko'rgach, uni jizxlik taniqli shoirlardan biri Nazirjon Barakayev huzuriga chaqirib, havaskor shoir Abdulla bilan suhbatlashdi. Har bir mashqini unga ko'rsatib, yo'l-yo'riq olib turishini maslahat berdi. Havaskor ijodkor bu orada ko'plab she'rlar yozdi. Ular vaqtli matbuot va respublika gazetalarida bosilib turdi.

1961-yilda u o'rta maktabni tugallab, ketma-ket ikki yil Samarqand davlat universitetining filologiya fakultetiga imtihon topshirdi. Har gal taqdir taqozosi bilan mandatdan o'tolmadi. Bu orada o'zi tug'ilib o'sgan qishlog'ida traktorchi bo'lib ishladi. Ishdan bo'sh paytlari Jizzax shahridagi «Xalq teatri» spektakllarida rol ijro etdi. Ayniqsa, «Umrzoqning ishi» komediyasidagi militsiya leytenanti roli tomoshabinlarda iliq taassurot qoldirdi. Eng muhimi shuki, bu komediya respublika «Xalq teatr»lari ko'rik-tanlovida birinchi o'rinni egalladi. Ko'rik-tanlov jarayonida respublikaga taniqli san'atshunos olim, professor Sotvoldi Tursunboyev Abdullaga «Sizdan yaxshi san'atkor chiqadi, iqtidor bor. Siz men bilan yuring. Istasangiz, Toshkent Teatr va rassomlik san'ati institutiga yo bo'lmasa Toshkent madaniy oqartuv texnikumining «Teatr bo'limi»ga tavsiya qilsam bas, kibr ketasiz», – dedi. Yosh ijodkor negadir texnikumni tanladi, o'qish boshlandi. Unga o'sha paytning mashhur san'atkorlari – Markaziy Osiyodagi barcha telekanallarning birinchi bo'lib tugmasini bosgan atoqli rejissyor Armug'on Muhammedov, taniqli miniatyura ustasi Hasanboy Yo'ldoshevlar sahna va rejissura sirlaridan saboq berishdi. «Qutlug' qon» (Oybek), «Boy ila xizmatchi» (H.H.Niyoziy), «Qonli sarob»

(S.Azimov) spektakllarida ommaviy sahnalarda faol qatnashib, ulug' ustozlar Olim Xo'jayev, Shukur Burxonov, Razzoq Hamroyev, Turg'un Azizovlar bilan yaqindan muloqotda bo'ldiki, buni ijodkor hanuz faxr bilan eslab yuradi. Bundan tashqari, u «Osiyo ustida bo'ron» kinosini lentaga muhrlash jarayonida ommaviy sahnalarda faol ishtirok etdi.

1966-yil bahorida u texnikumni bitirgach, Jizzax tumanidagi «Xalq teatri»ga bosh rejissyor etib tayinlanadi.

Toshkentda o'qib yurgan kezlari sobiq «Yosh le-ninchi» (hozirgi «Turkiston») gazetasida uning ko'plab maqola, qatra va lavhalari bosilgandi. U Toshkentdan Jizzaxga qaytish kunlari arafasida mudhish Toshkent zilzilasi yuz berdi. Ona Vatanimiz poytaxtining birdaniga vayronagarchilikka uchrashi uning qalbiga kuchli iztirob soldi. Buzilgan uylar, odamlarning ko'z yoshlari, tashvishlari unga ham tinchlik bermasdi. Shularning hosilasi sifatida u «Hamdardlar» degan birinchi hikoyasini yozdi. Nasrdagi bu ilk mashqda toshkentliklarning boshdan kechirgan qiyinchiliklari bilan birga, jonajon O'zbekistonimiz xalqining yakdil-ligi, ahilligi, og'ir paytlarda bir-birini nechog'lik dara-jada qo'llab-quvvatlashlari aks etgandi.

1969-yilda yosh ijodkor ixtiyoriy tarzda yigitlik burchini o'tash uchun harbiy xizmatga jo'nadi. Bun-dan ko'zlangan maqsadi dunyoni kezish, olam, odam haqidagi o'z taassurotlarini boyitish edi. Bilimdonligi, rus tilini yaxshi bilishi bu yerda ham unga qo'l keldi. Moskva yaqinidagi harbiy qismlardan birida u bo'lin-ma komandiri etib tayinlandi. Qat'iyatliligi, intizomli-ligi uchun oldiniga rota komsomol qo'mitasining ko-tibi, sal o'tmay harbiy qism komsomol qo'mitasining ikkinchi kotibi bo'lib xizmat qildi. Xizmatining ikkin-chi yili esa Uzoq Sharqda kechdi.

Harbiy xizmatdan so'ng u Jizzax tumanidagi Qodirjon Imomov nomli o'rta maktabda bir necha yil o'quvchilarga adabiyotdan dars berdi va ayni paytda respublika gazeta va jurnallari bilan uzluksiz hamkorlik qildi.

1972–1977-yillarda Sirdaryo davlat pedagogika instituti (hozirgi universitet)ning o'zbek tili va adabiyoti fakultetida tahsil oldi.

Maktabda ishlab yurgan kezlari O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi, taniqli jurnalist, shoir va yozuvchi Toji Odilov uni yo'l-yo'lakay uchratib, «Abdullajon, men sizni ko'pdan buyon surishtirib yuribman, ertagayoq «Kommunizm sari» (hozirda «Jizzax ovozi») tahririyatiga keling», – dedi. Shu bo'ldi-yu, Abdulla Ahmadning jurnalistika bilan uzviy aloqasi boshlandi. Bu dargohda ishlab yurgan kezlari u nazm va nasrda o'z qalamini sinab ko'rdi. Publitsistik maqolalar ham yozdi. Hikoyachilikning sir-asrorlarini o'rganish uchun esa qirqdan ortiq ocherklar yozdi. O'nlab respublika tanlovlarida qatnashib, faxrli o'rinlarni egalladi. Uning prozadagi ilk bitiklari, albatta, Toji Odilov nazaridan o'tkazilar, har gal ustoz unga o'z ustida yana ham qattiqroq ishlashni tavsiya qilar edi.

Abdulla Ahmad 1978-yilda «Jizzax haqiqati» gazetasining bosh muharriri, taniqli publitsist va yozuvchi O'ktam Javlonov (O'ktam Ortiqzoda)ning taklifi bilan shu gazetaning muxbiri va ayni paytda boshlang'ich partiya tashkilotining kotibi sifatida ish boshladi. Tahririyatda ish shu darajada qizg'in ediki, uni bajarib ulgurishning o'zi mahol edi. Shundanmi, oldin ishni eplab olay deb, u qariyb ikki yil badiiy ijodga fursat topolmadi.

YOZUVCHINING SIRLI OLAMI

Abdulla Ahmad nihoyat 1980-yilga kelib o'zining ko'pchilikka manzur bo'lgan «Bor bo'ling, odamlar» nomli hikoyasini yozdi. Shundan so'ng ketma-ket qator hikoyalari, ocherklari viloyat va respublika matbuotida chop etilib turdi.

«Men hajviya yozishni umuman xayolga keltirmasdim, – deydi yozuvchi. – Kunlarning birida tunda ishdan qaytayotsam, hammaga pand-nasihat qilib, imon-diyonatdan va'z o'quvchi bir tanish odam qo'shnisining tomorqasidagi daraxtlarga echki boqib o'tiribdi. Men esa buni ko'rib hayratdan lol qoldim va shu kechaning o'zidayoq «Mirhobid yoki «o'qimishli odam» sarlavhali hajviya yozdim. U «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasida chop etildi».

Shu bahona bo'ldi-yu, yozuvchi hikoyalar bilan birgalikda hajviy asarlar yozishga ham kirishdi. Uning «Avliyokush», «Dardisar», «Shiftdagi bashara», «Tasodif», «Tarsaki», «O'rtakash», «Halokatli ixtiro», «Pishmagan kalla», «Uzatilmagan konvert», «To'y kimniki?» singari hajviy asarlari dunyoga keldi.

Saksoninchi yillarning oxirlariga kelib esa yozuvchi hikoyachilikda muayyan tajriba orttirgach, yirik janrlarga ham qo'l ura boshladi. Ijodiy izlanishlar samarasi o'laroq, yuz betdan ziyodroq sahifani tashkil etuvchi «Olislagan soyalar» qissasining qoralamasini paydo bo'ldi. Abdulla Ahmad uni maromiga yetkazish maqsadida 1989-yilning mayida O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasining Do'rmondagi ijod uyida bo'ldi. Bu yerda u atoqli yozuvchilar Said Ahmad, Pirmqul Qodirov, Asqad Muxtor, Muhammad Ali, Shukur Xolmirzayevlar bilan yaqindan tanishib, ularning sermazmun adabiy gurunglaridan bahramand bo'ldi. Ayniqsa, O'zbekiston xalq yozuvchisi, taniqli romannavis va o'zbek hikoyachiligini dunyoga tani-

tishga salmoqli hissa qo'shgan Shukur Xolmirzayev bilan yaqindan muloqotda bo'lishi uning ijodida tub o'zgarish yasadi. Shukur aka bilan ijodiy suhbatdan so'ng o'zining yuz sahifali qissasidan voz kechib, boryo'g'i shu qissa mavzusi atrofida o'n olti sahifali asar yozdi. Yigirma besh kun davomida Shukur aka bilan yaqin muloqotda bo'ldi. Undan unutilmas adabiy sa-boq oldi.

«Tanishganimizdan uch kun o'tgach, Shukur aka menga jiddiy qarab: «Sen hikoyani qanday yozasan deb so'radi, – deydi Abdulla aka. – Men unga bir narsa deyolmadim. Shunda Shukur aka: «Mening usulim bunday: O'zinga yoqqan voqeani odamlarga so'zlab beraman. Tinglovchi uni qiziqish bilan eshitsa, yozaman. Bo'lmasa, yozib o'tirmayman. Kel, bunday qilamiz. Ertaga sen ham, men ham bittadan hikoya o'ylab kelamiz. Qani ko'raylik-chi, kim qanday yoza oladi», – dedi tabassum bilan.

Men bir kecha-kunduz o'ylanib, otam haqida bir fojiali hikoyani to'qidim. Aniqrog'i, hikoyada otamning arvohi bilan uchrashdim, – deydi yozuvchi Abdulla Ahmad o'sha kunlarni eslarkan. – Hikoyani og'zaki aytib berdim. Shukur aka uni tinglab: «Zo'r narsa o'ylabsan. Gap uni qanday yozishingda. Arvoh bilan uchrashish qo'rqinchli. Lekin sen qo'rqma. Odamzodning yuzta tomiri bo'ladi, agar bitta tomi-ring uzilmay qolsa ham o'lmaysan. Hikoyani qog'ozga tushir. Biz uni «Sharq yulduzi»da e'lon qilamiz. So'ng o'zim kafolat beraman, sen O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasiga a'zo bo'lasan», – dedi.

Shukur Xolmirzayev nihoyatda talabchan, adabiyotda biror so'zni nojo'ya isrof qilmay ishlatadigan ulkan adib edi. Shuning uchun ham hikoyani ustozga manzur bo'lmasligidan cho'chib, sakkiz oycha yozolmadim. Va nihoyat yozdim, biroq Shukur akaning

talabiga javob berolmasa kerak, degan andisha bilan u kishiga ko'rsatolmadim. Hikoya respublika gazetalarida chop etildi. Biroq, afsuski, ikkala gazeta ham hikoyaning eng muhim bo'lgan joyini olib tashlabdi. Negaki bu kichik asarda otamning men bilan bo'lgan uchrashuvida: «Biz hali ham zolimning qo'lidamiz, o'g'lim, zolimning qo'lida!» – deb rus bosqiniga ishora qilgani olib tashlangan edi», – deydi adib.

So'nggi yillarda yozuvchi viloyat gazetasida xizmat qilish bilan birga samarali ijod qildi. «Alvido, sevgilim», «Faryod», «Oslilagan soyalar» singari qissalarini yozdi. «Mergan», «Najot eshigi», «Yurakdagi ism», «Umid chirog'i», «Zafarobodning zumrad tonglari», «Endi kafil bo'lmayman» singari bir nechta badiiy kitoblar chop ettirdi.

«Faryod» qissasi tarixiy mavzuda yozilgan bo'lib, u o'tgan asrning 20-30-yillarida xalqimiz boshiga tushgan qonli voqealarni aks ettirgan. Adibning aytishicha, u taqdir taqozosi bilan Sirdaryodagi bir ma'arakada ishtirok etadi. Shunda to'qson yoshlarni qoralagan bir keksa inson o'rnidan turib: «Jizzaxdan kim bor?» – deb so'raydi. Shundan so'ng bir necha kishi qatori Abdulla Ahmad ham jizzaxlik ekanini aytadi. Boyagi oqsoqol ko'zidan yosh oqqancha, «Men bir aybsiz mo'min rus zo'ravonligi tufayli quloq qilinib, shu joylarga tashlab ketilgandim. U paytlar bu joylar giyoh bitmagan tap-taqir sahro edi. Umrim poyoniga yetib bormoqda. Mening ismim Yunus boyvachcha. O'g'illarim, men hech bir gunohi yo'q aybsiz odamman. Gunohim – faqat ishsizlarga ish, yersizlarga yer, muhtojlarga non berganim, xolos», – dedi.

Shu sabab yozuvchining «Faryod» qissasi vujudga keldi. Qissada o'sha kezlarda boshiga tuhmat va malmomat toshi yog'ilib, sarson-sargardon bo'lgan yurtdoshlarimiz qalamga olinadi.

Yozuvchining ta'kidlashicha, ko'pdan beri bir narsa uning e'tiborini tortib keladi va u shu mavzuda biron narsa yozishni o'zining farzandlik burchi, deb biladi. Adibning hikoya qilishicha, uning yaqin davrdagi ota avlodlari bo'lgan katta bobolari Ernazarboy, Yusufboy va otasi Ahmadjon asosan dehqonchilik va bog'dorchilik bilan shug'ullanishgan. Ona avlodlari Mullajon domla, Abdurahim domla va bobosi Muhammadrahim Buxorodagi «Mir Arab» madrasasida tahsil olib, fiqh ilmi bo'yicha olimlik maqomiga erishganlardan. Abdurahim domla Jizzax tumanining «Qo'shko'prik» dahasida istiqomat qilib, o'z davrida uning xususiy maktabi ham bo'lgan. Maktabda Jizzax, Zomin, Forish, G'allaorol tumanlari hududidan yuzdan ziyod ilm-u tolib kelib bilim olishgan. Ularga dinshunoslik, fiqh va dunyoviy bilimlardan puxta saboq berilgan. Yozuvchining bobosi Muhammadrahim ham dastlab otasining maktabida, so'ng Jizzaxdagi boshqa ilm dargohlarida tahsil olib, o'n to'rt yoshida Buxoroi sharifdagi madrasaga o'qishga ketadi. Bu yerda yetti yil ham dunyoviy, ham diniy saboq olgach, dastlab otasining maktabida, so'ngra Jizzax madrasasida fiqhdan saboq beradi va ayni paytda Jizzax tumanining «Og'ajon» qishlog'idagi masjidda imomlik qiladi.

1916-yilda rus podsholigining buyrug'i bilan rus bo'lmagan xalqlar, jumladan, Jizzax muzofotidan ham mardikorlikka olish boshlangach, muzofotning «ko'zi ochiq» ziyolilari bu zulmkor siyosatga qarshi chiqadilar. Hozirgi Alisher Navoiy nomli suv iste'molchilari uyushmasida istiqomat qilgan Nazirxo'ja Abdusalomov yetakchiligidagi bir guruh ziyolilar: Ziyo qori Abdullayev, Komil qori Bobojonov, Jaynoq Abdirahmonov, Muhammadrahim Abdurahimov va boshqalar bu harakatga faol qo'shiladilar. Muhammadrahim va Ziyo qori Nazirxo'janing asosiy yordamchilari sifa-

tida qo'zg'olonga bevosita rahbarlik qilishadi. Qo'zg'olon bostirilgach, bir guruh yetakchilar qatorida Muhammadrahim va Ziyo qori osib o'ldirilib, Samarqand choy qadoqlash fabrikasi yonidagi, bir paytlar Arabistondan kelib, dinni tashviqot qilgan odam qabri yoniga kiyim-kechaklari bilan ko'mib yuboriladi.

Yozuvchi Abdulla Ahmad shu mavzuda uzoq izlanib, respublika markaziy arxivida, Buxoroi sharif madrasasida, Samarqanddagi «Murod avliyo» ziyoratgohida bo'lib, ushbu tarixiy mavzuda asar yozishga kirishdi. Hozirgi kunda ushbu asar yakunlanish arafasida.

XOTIMA O'RNIDA

Xullas, mehnat faoliyatini adabiyot muallimligidan boshlagan Abdulla Ahmad keyinchalik qishloq muxbiri sifatida tuman, viloyat gazetalarida o'zining xabar va maqolalari bilan qatnashib turdi. Ma'lum vaqtdan keyin esa publitsistikaning ocherk janriga murojaat qilib, turli mavzularda qirqdan ziyod ocherklar yozdi va ularning ko'pchiligi respublika gazeta hamda jurnallarida chop etildi.

Ocherknavis sifatida tahririni pishitib olgan ijodkor o'z qalamini hikoyachilik va hajvchilikda ham sinab ko'rdi. Natijada rang-barang mavzulardagi qator hikoyalari va hajviy asarlari vujudga keldi. «Alvido, sevgilim», «Olislagen soyalar». «Faryod» qissalari kitob holida chop etildi. Adabiyot va jurnalistika sohasidagi xizmatlari inobatga olinib, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga binoan «Shuhrat» medali bilan mukofotlandi.

Abdulla Ahmad jiddiy ijodiy izlanishda. Yaqinda Toshkentdagi «Yangi nashr» nashriyotida yurtdoshimizning qissalar, hikoyalar, esselar, hajviyalardan iborat «Hammiyat» nomli kitobi chop etildi.

Yuqorida qayd etilgan fikrlarimizdan kelib chiqib, qadrli yozuvchimizga mashaqqatli ijod yo'lida hormay-tolmay olg'a yurishini, kitobxonlar ko'nglini rom etuvchi asarlar yarataverishini istab qolamiz.

МУНДАРИЖА

Сокин дарё мавжлари

Туроб Юсуф ижодига чизгилар	3
I. Балоғат бўсарасида	4
II. Ижодкорнинг назм гулшани	7
III. Мурғак қалбларга йўл излаб	16
Хотима	19

Ижод довлари оша

Абдулла Аҳмад ижодига чизгилар	20
Ёшликнинг ширин хотиралари	21
Ёзувчининг сирли олами	25
Хотима ўрнида	29

Sokin daryo mavjlari

Turob Yusuf ijodiga chizgilar	31
I. Balog'at bo'sag'asida	32
II. Ijodkorning nazm gulshani	35
III. Murg'ak qalblarga yo'l izlab	44
Xotima	47

Ijod dovonlari osha

Abdulla Ahmad ijodiga chizgilar	48
Yoshlikning shirin xotiralari	49
Yozuvchining sirli olami	53
Xotima o'rnida	57

Бадиий-публицистик нашр

БАХТИЁР СОАТОВ,
МАҲФУЗА УСМОНОВА

ИЖОД – ҚАЛБ ТУҒЁНИ

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Рассом дизайнер
Рухсора РУСТАМБЕКОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 14.04.2016 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 1,875. Шартли босма тобоғи 3,15.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғози.

Адади 200 нусха. Буюртма 86.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 129-09-69, 129-09-71.

Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru